

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“МОНЕТАР СИЁСАТ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Тузувчилар: *проф. О.Ю.Рашидов*
доц. Ф.Н. Насриддинов
доц. И. Тоймухамедов,
*доц. Х.А.Қурбонов***

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА.....	6
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	7
МАЪРУЗА МАТНИ.....	23
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	50
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	56
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....	59
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР.....	60
ГЛОССАРИЙ.....	61
ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР.....	69
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	84

ИШЧИ ДАСТУР

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга монетар сиёсат ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш ва монетар сиёсат бўйича олиб борилаётган ислохотлар, унингустувор йўналишларини илмий-назарий таҳлил қилиш, ҳолис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Республикамиз ва жаҳон мамлакатларида олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг қиёсий таҳлил қилиш ва бу борадаги тингловчиларнинг маълумотлар бўлиғини янги маълумотлар билан тўлдириш;

- Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг стратегик йўналишларини Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

Фан бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги глобаллашув шароитида монетар сиёсат ва унинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамизда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъ- руза	Амали й	Кўчма машғул от	Мус- та- қил
1.	Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати	2	-	-	-
2.	Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати	-	2	-	-
3.	Марказий банкининг валюта сиёсати	2	-	-	-
ЖАМИ: (6 соат)		4	2	-	-

Маъруза машғулотлари

1-мавзу. Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати (2 соат)

1. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати.
2. Фоиз сиёсатининг мақсадлари.
3. Фоиз сиёсати орқали хал қилинадиган муаммолар.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати. Фоиз сиёсати хусусиятлари. Фоиз сиёсатининг мақсадлари. Фоиз сиёсатининг роли. Фоиз сиёсатининг тамойиллари. Фоиз сиёсати орқали хал қилинадиган муаммолар. Тижорат банкларнинг фоиз сиёсати.

2-мавзу. Марказий банкининг валюта сиёсати (2-соат).

Режа

1. Валюта сиёсатининг мақсадлари.
2. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари.
3. Ўзбекистонда валюта сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Валюта сиёсатининг мақсадлари. Валюта сиёсатининг моҳияти, ҳуқуқий ва назарий асослари. Валюта муносабатлари. Миллий валюта тизими. Валюта курси, бозори ва валюта операциялари. Валюта бозори ва валюта операциялари. Валюта сиёсати ва уни иқтисодий ўсишга таъсири. Свop операциялари.

Амалий машғулотлар

3-амалий машғулот. Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати

Режа

1. Мажбурий захиралар сиёсатининг мақсадлари.
2. Мажбурий захиралар сиёсатининг тактик вазифалари.
3. Мажбурий захиралар сиёсатининг ўзгариши.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).
3. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларни изчил давом эттириш йўлидир / И.А. Каримов. – Т: Ўзбекистон 2011. – 20б.
4. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.
6. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.
7. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. - Т.: TDIU, 2010. – 428 bet.
8. Мовсесян А.Г., Огневцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Инфра-М, 2003. – 312 стр.
9. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2003. – 576 стр.
10. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. Учебник.- М.: ЗАО Финансист, Диаграмма, 2002. – 325 стр.
11. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. 272 с.
12. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник. / Под. ред. Л.Н. Красавиной. М.: «Финансы и статистика», 2008. 576 с.
13. Тожиев Р.Р. Халқаро валюта–кредит муносабатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 324 бет.
14. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. -325 стр.
15. Tojiyev R.R. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari. O’quv qo’llanma. -Т.: TDIU. 2009. -310 bet.

ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати	маъруза	2	ҳар ой 1 ҳафтасининг сешанба куни	-	-	-
2.	Марказий банкнинг мажбурий заҳиралар сиёсати	-	-	-	Амалий	2	Ой 2 ҳафтасининг пайшанба куни
3.	Марказий банкининг валюта сиёсати	маъруза	2	ҳар ой 3 ҳафтасининг сешанба куни	-	-	-

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулоти ташкил этишининг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намоёйиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқин ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

1-мавзу.	Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати (маъруза 2 соат, амалий машғулот 2 соат)
-----------------	---

1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 10-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати. 2. Фоиз сиёсатининг мақсадлари. 3. Фоиз сиёсати орқали хал қилинадиган муаммолар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Марказий банкнинг функциялари ва унинг омиллари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш, уларга тааллуқли турли назарияларни таҳлил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Марказий банкларнинг асосий фаолияти. -Бевосита инструментлардан билвосита инструментларга. - Пул-кредит сиёсати қондаларининг халқаро истикболларига. тавсиф бериш шу ҳақидаги турли назариялар билан таништириш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Тингловчилар: - пул-кредит сиёсати омилларини тавсифлайдилар; - қайта молиялаштириш сиёсатни тавсифлайдилар; - фоиз сиёсатни тавсифлайдилар; - пул-кредит сиёсати дастакларининг моҳияти тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар; - марказий банк функцияларини аниқлайдилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, муаммоли ҳолатларни ечиш, синквейн, ЎТВ/КТ, блиц-сўров, график органайзер: кластер, концептуал жадвал.
Ўқитиш воситалари	Проектор, тарқатма материал, график органайзерлар, доска, бўр
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, умумжамоа ва жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Проектор ва компьютер билан таъминланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси


Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Кириш (5 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга чиқаради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Эътибор берадилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 2.1. Асосий категория ва тушунчаларни ва маъруза охирида ечиладиган масалаларни намоиш қилади. 2.2. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари маълум қилинади. 	<ol style="list-style-type: none"> 2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
3-босқич. Асосий (55 мин.)	<ol style="list-style-type: none"> 3.1. Қуйидаги саволни ўртага ташлайди: Айтингчи, Марказий банк мустақиллигини белгиловчи қандай омилларни биласиз? Ана шу савол бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун “Синквейн” усулидан фойдаланган ҳолда (10-илова) ҳар бир омилга таъриф беради. Марказий банк мустақиллигини белгиловчи омилларни намоиш қилади. Бу омилларни туркумларга ажратади. 3.2. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти билан таништиради, унинг фаолиятиги таъриф беради. -монетар сиёсат; -Дастаклар; 	<ol style="list-style-type: none"> 3.1. Омилларни санайди. Таърифларни ёзиб оладилар. Ишлаб чиқариш омилларини туркумлайди. 3.2. Ёзиб оладилар, муҳокама қиладилар. Гуруҳлаш мезонини тушунтирадилар.

	-Марказий банк функцияларини тушунтиради. 3.3. Монетар сиёсатнинг умумий ва пировард натижаларига таъриф беради.	Ёзадилар.
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	4.1. Мавзуга хулоса ясайди. Ўқув жараёнида фаол иштирок этган тингловчиларни рағбатлантиради. 4.2. Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради: пул-кредит, монетар сиёсат, дастаклар категорияларига “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни топширади.	4.1. Эшитади. Аниқлаштиради. 4.2. Топширикни ёзиб олади.

Визуал материаллар.


1-илова.

Иқтисодиётни пул-кредит дастаклари орқали мувофиқлаштиришда Марказий банк олиб борадига монетар сиёсат барча босқичларни қамраб олган.



2-илова.

Иқтисодиётни монетар сиёсат орқали бошқаришнинг асосий усуллари



Монетар сиёсат – бу давлат томонидан пул муомаласини тартибга солиш борасида амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Монетар сиёсатнинг инструментлари:

- очик бозордаги операциялар;
- мажбурий захиралар;
- қайта молиялаштириш ставкаси;
- валюта сиёсати

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш


1–қатор – тушунча;


2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.





Пулнинг ривожланиши

7-илова.

Умумий эквивалент ролининг олтинга юклатилиш сабаблари

- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
- зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
- бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;
- бўлинганди ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;
- табиатда нисбатан камёблиги;
- озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг қиймати анча юқорилиги.


8-илова.

Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги




9- илова.

Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари



10-илова.

Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг икки хил мазмуни



2-мавзу.	Марказий банкнинг мажбурий заҳиралар сиёсати (амалий машғулот 2 соат)
-----------------	--

2.1. Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти: 2 соат	Тингловчилар сони: 10-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича муаммоли Амалий.
Амалий машғулотининг режаси	1. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг мақсадлари. 2. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг тактик вазифалари. 3. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг ўзгариши.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. Мажбурий заҳиралар сиёсатининг моҳиятини ўрганиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> – мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. – иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Тингловчи: • Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг мақсадларини айтиб беради. • Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг тактик мақсадлари моҳиятини очиб беради. • Мажбурий заҳиралар турлариларини курсатади
Ўқитиш услуби	Муаммоли усул, блиц-сўров.
Ўқитиш шакли	Фронталь, жамоа ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, флипчарт, маркер, конспектлар
Ўқитиш шарт-шароити	Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Амалий машғулотининг технологик картаси (1 машғулот)

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, режа ва мақсад, Амалий машғулотининг режаси маълум қилинади.	Эшитадилар ва мавзуни ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Муаммоли масалаларни ўқиб беради муаммони шакллантиради ва муаммоли дарс қоидасини эслатиб ўтади (1-илова). 2.2. Билимларни фаоллаштириш мақсадида асосий тушунчалар борасида блиц сўров ўтказидади (илова 2). 2.2. Тингловчиларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳлар эътиборига вазифани ҳавола қилади. Уйга вазифа сифатида берилган муаммоли саволларнинг жавобларини гуруҳларда ўзаро муҳокама қилади ва тақдимотга тайёрлайди. 2.3. Гуруҳ сардорлари муҳокамани, ўз презентацияларини тақдимотларини намойиш қилишига таклиф этади. 2.4. Ноаниқ жиҳатларни аниқлаштиради,	2.1. Эшитадилар, эслайдилар. Саволларга жавоб берадилар. 2.2. Гуруҳларда ишлайдилар тақдимотга тайёрланадилар. 2.3. Рақиб гуруҳга саволлар беради. Мунозарада иштирок этади. Эшитадилар, ёзиб оладилар.

	саволларга жавоб беради. Бажарилган ишларни, гуруҳлар фаолиятини баҳолайди. Ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун назорат саволлари беради.	2.4. Саволларга жавоб берадилар.
3-босқич. Яқуний (10 мин.)	3.1. Мавзуни яқунлайди, умумий хулоса чиқаради, иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун топширик: “Ўзбекистон миллий валютасининг муомалага киритилиши ва унинг мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти”, “Пластик карточкаларнинг муомалага киритилиши ва уларнинг аҳамияти” мавзуларидан бирига реферат ёзиш.	Эшитади, аниқлаштиради ва топшириқни ёзиб оладилар.

1-илова.

Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”.	Билдим “+”, Билаолмадим “-”.
1	Пул-кредит сиёсатини таргетлаш		
2	Кредитларни таргетлаш		
3	Монетаризм		
4	Пул		
5	Пулнинг вазифалари		
6	ҳозирги замон пулининг иқтисодий мазмуни ва табиати		
7	Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги		
8	Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари		
9	Нақд пуллар		
10	Кредит пуллар		

Визуал материаллар.

2-илова.

2009 йил ҳолатига жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инфляцияни таргетлашнинг таққослама таҳлили


Мамлакат	2009 йилда инфляциянинг мақсадли мўлжали, %	Таргетлаш чегараси	Инфляцияни баҳолаш инструменти	Инфляциянинг мақсадли даражасини крнатувчи орган
Янги Зеландия	0-3	Аввалдан келишилмайди	Истеъмол нархлари индекси ИНИ	Марказий банк
Финляндия	2	Аввалдан келишилмайди	ИНИ ядроси	Марказий банк
Австралия	2-3	Иқтисодий цикл давомийлиги	ИНИ ядроси	Марказий банк ва ҳукумат ўзаро биргаликда
Канада	1-3	Кўп йиллик	ИНИ ядроси	Марказий банк ва ҳукумат

				ўзаро биргаликда
Испания	2	Бир йил	ИНИ	Марказий банк
Швеция	1-3	Аввалдан келишилмайди	ИНИ	Марказий банк
Буюк Британия	2,5	Аввалдан келишилмайди	ИНИ ядроси	хукумат
Швейцария	2 йилдан кам	3 йил	ИНИ ядроси	Марказий банк
Евро худуди	2 йилдан кам	Аввалдан келишилмайди	ИНИ	Марказий банк

3-илова

Инфляцияни баҳолаш

Марказий банк	Инфляцияни баҳолашнинг бевосита инструменти	Инфляцияни баҳолашнинг бевосита инструментида ташқари ҳисобга олинган бошқа омилар
Корея банки	Баъзи бир қишлоқ хўжалиги ва нефт маҳсулотларининг нарх компонентлари чегириб ташланган ИНИ	МЗ нинг ортган қисми (мониторинг индикатори)
Чили Марказий банки	ИНИ	ИНИ ядроси тренди (CPIX) – мева-сабзавотлар ва ёқилнинг нархларини ҳисобга олмайди
Чехия Миллий банки	«Соф инфляция» (ИНИ дан тартибланадиган нархлар, билвосита моликлар ва субсидиялардаги ўзгаришларни чегириб ташлаган ҳолда)	2001 йилдан ИНИ
Польша Миллий банки	ИНИ	Йўқ
Таиланд Банки	Инфляция асоси бўлган ИНИ нинг ўртача чорак кўрсаткичи – хом ашё ва энергия ташувчиларини ҳисобга олмаган ҳолда	Йўқ
Исроил Банки	ИНИ	Шекел номинал валюта курси
Бразилия Марказий банки	ИНИ	Кенг ИНИ (IPCA), IPC-Fipe, нархлар умумий индекси
Жанубий Африка Заҳира банки	ИНИ ўртача ўсиш суръати, ипотека бўйича фоиз ставкалари кирмайди (CPIX)	ИНИ ядроси
Колумбия Республикаси банки	ИНИ (IPC)	Инфляциянинг 4 та кўшимча кўрсаткичлари
Индонезия банки	Истеъмол нархлари индекси	ИНИ ядроси
Мексика банки	Истеъмол нархлари индекси (INPC)	Инфляция ядроси
Перу Марказий банки	Истеъмол нархлари индекси	Йўқ



Бюджет сиёсати – бу давлатнинг асосий иқтисодий сиёсати ҳисобланади ва унинг асосий мақсади мамлакатнинг аниқ белгиланган муддат мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ва амалга оширилади.

Солиқ сиёсати – бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларини бажариши учун зарур молия маблағларини йиғиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолисидан солиқлар, тўловлар ҳамда мажбурий ажратмаларни белгилаш, уларни ундириш юзасидан

Баҳо сиёсати – бу маҳсулотлар, хизматлар ва тўловга қобилиятли талаб ўртасидаги мутаносибликка эришиш ҳамда уни тартибга солиб туриш билан боғлиқ сиёсатдир.

Кредит молия сиёсати – бу Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий захиралар меъёри ва очик бозордаги операциялар орқали мамлакат банк-кредит тизимини бошқариш ҳамда тартибга солиб туришдан иборат.

Саноат инвестиция сиёсати – бу ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминловчи мамлакат саноат-технологик қудратини ривожлантиришга қаратилган сиёсатдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолият сиёсати – бу давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни бож-таъриф дастаклари ёрдамида тартибга солиб туришдан иборатдир.

8-илова.

Тестлар

1. Марказий банкнинг дисконт сиёсатини қандай тушунасиш?
 - а) Марказий банкнинг учёт ставкасини ўзгартириш йўли билан муомаладаги пул массасининг ва тўлов балансининг шолатига таъсир этиш сиёсати;
 - б) Марказий банкнинг қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредит институтларини молиялаштириш сиёсати;
 - в) Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини марказлашган кредит шисобидан молиялаштириш сиёсати;
 - г) Барча жавоблар тўғридир.
2. Учёт ставкасининг кўтарилиши:
 - а) Муомаладаги пул массасининг ўсишига сабаб бўлади;
 - б) Муомаладаги пул массасининг қисқаришига сабаб бўлади;
 - в) Чет эл валюталарига бўлган талаб кучаяди;
 - г) Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларнинг курси кўтарилади.
3. Резидентларнинг валюта манбаларига Қуйидагилар киради:
 - а) ТИФ олган валюта тушуми
 - б) низом капиталига бадал
 - в) чет эл ва ваколатли банклардан олган валюта кредитлари
 - г) ички бозордан сотиб олинган валюта
 - д) ҳеч бири кирмайди
 - е) барчаси киради
4. Экспортер учун riskли бўлган ҳисоб китоб турини кўрсатинг
 - а) чеклар
 - б) тўлов топшириқномалари
 - в) хужжатлаштирилган инкассо
 - г) хужжатлаштирилган аккредитив

9-илова.

Мунозара ўатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Кўп гапирмасдан, бошўаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Маўсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Раўибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат ўил.
5. Раўибларинг томонидан айтилган фикрларга танўидий ва мулоҳазали ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг таўдимотларин эълон ўилади.

2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Таъризи – 2 минут.
4. Раъиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут таъдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

10-илова.

Блиц-сўров учун саволлар

1. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг мақсадлари.
2. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг тактик мақсадлари.
3. Мажбурий заҳиралар сиёсатнинг ўзгариши.
4. Мажбурий заҳиралар турлари.

3-мавзу.	Марказий банкининг валюта сиёсати
-----------------	--

(маъруза 2 соат)

Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти: 2 соат	Тингловчилар сони: 10-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза, “Инсерт”, “Венна” диаграммаси техникасини қўллаган ҳолда.
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Валюта сиёсатининг мақсадлари. 2. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари. 3. Ўзбекистонда валюта сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари.
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Валюта сиёсати, унинг турлари ва дисконт сиёсати бўйича билимни шакллантириш. Девиз сиёсати, унинг асосий кўринишлари ва валютавий чеклашларни жорий қилиш моҳиятини очиб бериш, шунингдек, девиз сиёсати бўйича билимни шакллантириш</p>	
<p><i>Педагогик мақсади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари ҳақида тушунча бериш • Валюта сиёсатининг асосий шакллари очиб бериш • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири тушунтириш • Девиз сиёсатининг моҳияти ва вазифасини тушунтириш; • Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалаларини ўргатиш; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларга тавсиф бериш; 	<p><i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i></p> <p style="text-align: center;"><i>Тингловчи:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари моҳиятини тушунтира олади • Валюта сиёсатининг асосий шакллари ёритиб беради • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири изоҳлаб беради • Девиз сиёсатининг моҳиятини очиб, вазифасини ёритади; • Валютавий чеклашларни мустақил гапиради; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларни ёритиб беради;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали маъруза, инсерт, аўлий ҳужум, блиц-сўров, кластер, ЎТВ/КТ
Ўқитиш шакли	Фронтал, гуруҳий, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, график органзаёрлар, доска, бўр
Ўқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич Ўқув машғулотиغا кириш (20 мин.)	<p>1.1. Маъруза машғулотининг мавзусини, мақсади ва ўқув натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.2. Машғулотни олиб бориш шакли ва баҳолар мезонини тушунтиради. (1-илова).</p> <p>1.3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир тингловчига маъруза матнларини тарқатади.</p> <p>1.4. Маъруза машғулотининг мавзуси бўйича режани ва калитли тушунчаларни шархлайди.</p>	<p>Эшитади</p> <p>ЎУМга қаранг</p>
2-босқич Асосий қисм (60 мин.)	<p>2.1. Саволларга ўйлаб жавоб беришни таклиф этади.</p> <p>Блиц-опрос усулини олиб боради. Жараёнда тўғрилайди, аниқлаштиради.</p> <p>2.2. Эркин ҳолатда тингловчиларни 4 мин-гуруҳга ажратади.</p> <p>Ҳар бир гуруҳдан битта эксперт сайланишини ва у колган барча гуруҳ аъзоларига янги мавзу саволлари бўйича ўргатишини айтади.</p> <p>2.3. Эксперт варақаларини тарқатади. (2-илова) ва гуруҳларда ишлашни ташкиллаштиради.</p> <p>2.4. Такдимотни бошланиши ҳақида эълон қилади</p> <p>Маслаҳатчи кўринишида қатнашади. Шархлайди, аниқлаштиради, тўғрилайди.</p> <p>2.5. Такдимот охирида ҳар бир гуруҳнинг ҳар бир саволи бўйича хулоса қилади</p> <p>Тингловчиларнинг ушбу мавзу саволлари мазмунидаги асосийсига диққатини жалб этади.</p>	<p>Саволларга жавоб беради.</p> <p>6-7кишидан иборат 4гуруҳ-га бўлинади</p> <p>ЎУМга қаранг.</p> <p>Гуруҳ ҳам-корликда иш-лайди: қўйилган савол бўйича жавоб-ни маъруза матниданкиди-ради ва ўқий-ди. Маълумот-ларни йигади.</p> <p>Фикрлар алма-шади.</p> <p>Муҳокама вақтида танланган маълумотларни такдим этиш учун график организаерлар тузилади.</p> <p>Гуруҳ лидери маълумотлардан фойдаланган ҳолда қўйилган савол мазмунига жа-воб бўладиган маълумотлар-ни намоиш этади.</p>
3 - босқич Хулоса (10 мин.)	<p>1.1. Мавзу бўйича тўлиқ хулоса қилади</p> <p>1.2. Гуруҳларга фарқи бир-бирига куйган баҳосини айтишни таклиф қилади. Натижаларни шархлайди.</p> <p>1.3. Мустақил ишлаш учун топширик беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова), - келгусидаги дарслар учун таклиф этилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланган ҳолда мустақил ўрганиш. 	<p>Гуруҳлар бир-бирининг якуний баҳосини хабарлайди.</p> <p>Мустақил иш учун топшириқни ёзади. ЎУМга қаранг.</p>

Тингловчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезони кўрсаткичлари

Рейтинг бўйича маъруза машғулот

1,5 – 2 баллгача - “аъло”

1,0 – 1,4 баллгача - “яхши”

0,5 – 0,9 баллгача - “қониқарли”

0 – 0,4 баллгача - “қониқарсиз”

Эксперт гуруҳининг ишлари натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Максимал балл	Гуруҳ ишларининг натижалари			
		1	2	3	4
Маълумотнинг тўлиқлиги	1,0				
Маълумот-ни график асосида тақдим қилиниши	0,6				
Гуруҳ фаоллиги (тўлдириш, саволлар, жавоблар)	0,4				
Баллнинг максимал суммаси	2				

1-Эксперт варақаси*Валюта сиёсати турлари*

1. Девиз сиёсати.
2. Дисконт сиёсати
3. Девальвация

(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

2-Эксперт варақаси*Девиз сиёсати турлари*

1. Валюта интервенцияси
2. Ревальвация
3. Валюта захиралари диверсификацияси

(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

3-Эксперт варақаси*Валюта сиёсати таъсир этувчи омиллар*

1. Тўлов баланси
2. Инфляция
3. Валютага бўлган талаб ва таклиф

(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

4-Эксперт варақаси*Дисконт сиёсати*

1. Учёт ставкаси
2. Деноминация
3. Қайта молиялаштириш

(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

Ўзини текшириш ва ўзини баҳолаш бўйича назорат саволлари:

1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари.
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётига таъсири.
4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари.
5. Валюта интервенцияси нима?
6. Девальвация.
7. Ревальвация.
8. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
9. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.
10. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

МАЪРУЗА МАТНИ

1-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ДИСКОНТ (ҲИСОБ СТАВКАСИ) СИЁСАТИ

1. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсатини қуйидаги кўринишлари мавжуд.

1. Ҳисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни (ўтказма вексель) қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

2. Тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматли қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиши – бу ломбард кредити ҳисобланади. Ломбард кредит фоиз ставкаси – ломбард ставкаси ҳисобланади. Ломбард ставкаси ҳар доим ҳисоб ставкасидан икки–уч пункт юқори юради.

Капиталларнинг давлатлараро еркин тарздаги ҳаракатларида мавжуд бўлган Марказий банкнинг ҳисоб ставкасининг ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валюта маблағларининг оқиб келишига сабаб бўлади. Бу еса тўлов балансининг активлашувига ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади.

Қайта молиялаштириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган кредитларнинг берилиш шартларини ўзгартириш йўли билан пул бозори ва капитал бозорининг ҳолатига таъсир қилишдир. Шуниси диққатга сазоворки, қайта молиялаштириш қимматли қоғозларни гаровга олмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида қайта молиялаштириш сиёсатидан иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Буни асосан республикамиз тижорат банкларининг Марказий банк кредит ресурсларига сезиларли даражада боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банкнинг кредит ресурслари мамлакатимиз банк тизимининг умумий ресурсларининг катта қисмини ташкил етади. Республикамизда бир қатор йетакчи тижорат банкларида марказлашган кредит ресурсларнинг салмоғи бирмунча каттадир.

Бунинг асосий сабаби шундаки, бундай банклар йетакчи тармоқларни кредитлашга мўлжалланган давлат дастурларини бажаришда республика ҳукуматининг ўзига хос агенти вазифасини ўтайдилар. Республикамиз шароитида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланганлиги учун, давлат дастуридаги маблағларнинг асосий қисми унга йўналтирилади.

Бошқа тижорат банкларининг кредит ресурслари таркибига келсак, бу йерда марказлашган кредит ресурсларининг салмоғи нисбатан камроқ. Бу ҳолат

асосан, ушбу банкларнинг кичиклиги ва уларнинг кўпчилигини воситачи корхоналар ва кичик корхоналарнинг жорий фаолиятини молиялаштираётганликлари билан изоҳланади. Марказлашган кредит ресурсларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш ҳамон ҳал қилинмаган масала бўлиб турибди. Одатда, қисқа муддатга берилаётган ушбу кредитлар узоқ муддатли ишлаб чиқариш даврига ега бўлган корхоналар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёни мавсумий характерга ега бўлган корхоналар томонидан қайтарилиши қийин кечмоқда.

Марказлаштирилган кредит ресурсларининг узлуксиз пролангация қилиниши, уларни амалда қайтариб олинмайдиган молиялаштиришга айланиб қолишига олиб келади. Бу еса, қайта молиялаштириш сиёсатидан пул бозорига таъсир етиш мақсадида фойдаланиш самарадорлигини кескин пасайтиради. Шу сабабли, марказлашган кредит ресурсларини қайтариш муаммосини ҳал қилиш ниҳоятда муҳимдир. Давлат дастурлари асосида ажратилаётган марказлашган кредит ресурслари учун Давлат бюджети маблағлари таъминланганлик асосини ўташи лозим. Бошқа тадбирларга ажратилаётган маблағлар учун еса, албатта, гаров ёки кафолат механизми кенг қўлланилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига лимитлаштирилган ҳажмда марказлашган кредитлар бераяпти. Ушбу кредит ресурслари учун ўрнатилган фоиз ставкалари орқали, Марказий банк тижорат банкларининг фоиз ставкаларига таъсир қилишга ҳаракат қилмоқда. Йирик тижорат банклари кредит ресурсларининг сезиларли қисмини Марказий банк ресурслари ҳисобидан ташкил топиши қайта молиялаштириш сиёсатини кредит эмиссияси ҳажмига кучли таъсир қилишига сабаб бўлди. Айниқса, тижорат банкларининг кредитларини фоиз ставкаларига нисбатан чекланишнинг жорий қилиниши Марказий банкнинг кредит ресурслари бозорига таъсирини кескин оширди. Шу билан бирга, Республика Марказий банки қайта молиялаштириш сиёсатидан кредитларни халқ хўжалик тармоқлари бўйича танланма тақсимлаш воситаси сифатида ҳам фойдаланди.

Республикада инфляция даражасини сезиларли даражада жиловлашга муваффақ бўлинганлиги, юқори фоиз ставкаларини қўллашда юзага келган салбий оқибатлар расмий қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш имконини берди.

Марказий банкнинг ссудалари тижорат банкларининг кутилмаганда юзага келувчи зарур еҳтиёжларини қондириш мақсадида бериладиган вақтинчалик ресурс сифатида қараш лозим. Ундан кредит ҳисоб-китоб операцияларнинг доимий манбаи сифатида фойдаланиш бу инструментнинг моҳиятига зиддир. Шу сабабли, ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Япония, Австрия ва шу каби бир қатор ривожланган давлатларда Марказий банкнинг дисконт сиёсатини амалга оширишида миқдорий чеклашлар жорий етилган.

Германия амалиётида махсус ломбард кредитлари ҳам вақти-вақти билан қўлланилиб туради. Бундай кредитнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга тўланадиган фоиз ставкаси ҳар куни ўзгариб туриши ва хоҳлаган вақтда тўхтатилиб қўйилиши мумкин.

Ҳисоб ставкаси ва ломбард ставкаларининг ўзгариши қайта молиялаштириш сиёсатининг мослашувчанлигини оширади. Айниқса, ҳисоб ставкасининг ўзгариши пул бозорининг ва капиталлар бозорининг ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Таъсир механизми қуйидагича бўлади: ҳисоб ставкасининг ўсиши пул бозорида кредитлар ва депозитларнинг ставкаларининг ошишига олиб келади. Бу еса, ўз навбатида, қимматли қоғозларга бўлган талабни камайтиради. Кредитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг ўсиши натижасида қимматли қоғозларнинг таклифи кўпаяди ва шунинг асосида, уларнинг курси тушади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тадбирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш, шубҳасиз, бу соҳада бозор механизмларидан фойдаланиш томон йўналтирилган муҳим йўналишдир. Кредит аукционлари Марказий банк кредитларининг ҳолисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққоний акс еттиради.

Ҳозирги кунда, республикада, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинмоқда. Кредитларнинг фоиз ставкаларига лимит ўрнатиш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга тўсқинлик қилади:

- монопол банклар барибир яхши молиявий ҳолатда қолаверади. Чунки, улар бошқа банкларга нисбатан катта кредитлаш имкониятига ега;

- фоиз ставкаси кредит ресурсларининг ҳаракатини тартибга солувчи енг асосий бозор воситаси ҳисобланади. Унга нисбатан лимит қўллаш кредит ресурслари бозорининг шаклланишига кучли салбий таъсир кўрсатади.

Қайта молиялаштириш сиёсатининг анъанавий воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш юзага келгунга қадар, маъмурий мазмундаги айрим пул-кредит сиёсатининг воситаларидан фойдаланишга зарурият сезилади. Кредитлаш лимитларини жорий қилиш йўли билан пул массаси ва фоиз ставкаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин.

Қайта молиялаштириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган кредитларнинг берилиш шартларини ўзгартириш йўли билан пул бозори ва капитал бозорининг ҳолатига таъсир қилишдир. Шуниси диққатга сазоворки, қайта молиялаштириш қимматли қоғозларни гаровга олмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Фоиз сиёсатининг мақсадлари

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида қайта молиялаштириш сиёсатидан иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Буни асосан республикада тижорат банкларининг Марказий банк кредит ресурсларига сезиларли даражада боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Марказий банкнинг кредит ресурслари мамлакатимиз банк тизимининг умумий ресурсларининг катта қисмини ташкил этади. Республикада бир

қатор етакчи тижорат банкларида марказлашган кредит ресурсларнинг салмоғи бирмунча каттадир.

2012 йил давомида Марказий банк томонидан пул бозорида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган кўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операцияларининг мунтазам равишда ўтказиб борилиши орқали иқтисодиётдаги инфляциян босимнинг олди олинди. Пул массасини прогноз кўрсаткич доирасида ушлаб туриш мақсадида амалга оширилган стерилизация операцияларининг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,4 мартага ошиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 5,9 трлн. сўмни ташкил қилди.



1-расм. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси.

2. Фоиз сиёсатининг мақсадлари.

Марказий банкнинг ссудалари тижорат банкларининг кутилмаганда юзага келувчи зарур эҳтиёжларини қондириш мақсадида бериладиган вақтинчалик ресурс сифатида қараш лозим. Ундан кредит ҳисоб-китоб операцияларнинг доимий манбаи сифатида фойдаланиш бу инструментнинг моҳиятига зиддир. Шу сабабли, ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Япония, Австрия ва шу каби бир қатор ривожланган давлатларда Марказий банкнинг дисконт сиёсатини амалга оширишида миқдорий чеклашлар жорий этилган.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидаги фоиз ставкалари, жумладан

тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

Хусусан, 2012 йилда пул бозоридаги фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасига яқинлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидан буён 0,3 фоиз бандга ўсиб, декабрь ойида 11,0 фоизни ташкил этди.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши, банк тизимида бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляциян кутилмаларнинг пасайиши каби омиллар таъсирида, 2012 йил давомида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан декабрь ойининг охирида 6,4 фоизгача, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ставка эса 6,8 фоиздан 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек 2012 йилда валюта сиёсати миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди. Бунда ички валюта бозорида алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун, валюта савдоларида интервенция операцияларини амалга ошириш орқали сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усули қўлланилди.

Республика банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатдир. 2012 йилда республика банк тизимида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлигининг оширилиши натижасида пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

3. Фоиз сиёсати орқали хал қилинадиган муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тадбирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш, шубҳасиз, бу соҳада бозор механизмларидан фойдаланиш томон йўналтирилган муҳим йўналишдир. Кредит аукционлари Марказий банк кредитларининг ҳолисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққоний акс эттиради.

Тижорат банклари олдига 2012 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган ҳолда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартага ошириш белгиланган эди. Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Тижорат банклари томонидан 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди. Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми “Тошкент” республика фонд биржаси орқали бирламчи очик савдоларда жойлаштирилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 17 та тижорат банкининг акциялари “Тошкент” республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда. Натижада 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бунда банк тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида 2013 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари давом эттирилади.

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг техник кўмагида Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган янги стандартларни жорий этиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- регулятив капитал таркибини қайта кўриб чиқиш ва капитал компонентларининг етарлилиги бўйича белгиланган талабларни янада кучайтириш;

- рискларнинг бир қарздорда (ёки ўзаро боғлиқ қарздорлар гуруҳи), кредитлаш объектида, фаолият тури ва тармоқда тўпланишини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- банк ликвидлиги бўйича нормативларни такомиллаштириш, хусусан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш;

- жаҳоннинг энг барқарор банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган замонавий услубиётлар асосида банклар миқдорларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилиш тадбирларини давом эттириш;

- банкларда корпоратив бошқарув, рисклар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш;

- банк фаолиятида камчиликларга йўл қўйилгани учун унинг кенгаши аъзоларига таъсир чораларини белгилаш ваколатини берувчи қонунчилик талабларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларни давом эттириш.

Шунингдек банк назоратини амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг кредит портфели сифатини янада яхшилаш, кредитларнинг ўз муддатларида қайтарилишини таъминлаш, кредитлар муддатларини узайтириш амалиётини чеклашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунининг 2012 йил 1 январдан кучга кирганлиги муносабати билан, жорий йилдан бошлаб кредит муассасаларини бевосита кредит ахбороти билан таъминлашга ихтисослашган кредит бюрolari фаолияти йўлга қўйилади.

Марказий банк Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базаси Кредит ахборотининг давлат реестри сифатида юритилиб, унинг банк секторидаги тизимли таваккалчиликларни камайтириш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти янада кучайтирилади.

Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг банклараро кредит бюроси негизида янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этилган “Кредит-ахборот таҳлилий маркази кредит бюроси” тижорат банкларига қарз олувчилар тўғрисида кредит ахборотлари тақдим этиш хизматларини кўрсатди.

2. Тижорат банклари ресурс базасини янада ошириш ва диверсификациялаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар давом эттирилади:

- кўшимча акцияларни чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш орқали банкларнинг жами капиталини йил мобайнида камида 20 фоизга ўсишини таъминлаш;

- банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш;

- депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш ҳисобига аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини камида 30 фоизга ошириш;

- тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва пул бозорида жойлаштириш;

- банк инфратузилмалари, хусусан, мини-банклар ва махсус кассалар тармоғини кенгайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш;

- ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали банк хизматларининг сифатини янада юксалтириш ва кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкнинг бўйича хизматлар кўрсатилиши борасидаги 2013 йилга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

- банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

- банклардан ташқарида жойлашган ва хавфсизлиги таъминланган идора ва ташкилотлар, йирик супермаркет биноларида банк инфокиосклари тармоғини кенгайтириш каби тадбирлар амалга оширилади.

3. Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган банк кредитлари ҳажмларини янада кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш жорий йилда банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2013 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредит қўйилмалари ҳажмининг 25 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қишлоқ жойларда лойиҳавий янги турар-жойларни барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олиш каби инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан 6,0 трлн. сўмдан зиёд кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2013 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги турар жойларни барпо этишга барча манбалар ҳисобидан 796 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратиш прогноз қилинмоқда. Шундан 251 млрд. сўм миқдориданги маблағлар Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан берилди.

2013 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилишида “Қишлоқ қурилиш банк” билан бир қаторда, “Ипотекабанк” ҳамда Ташқи

иқтисодий фаолият Миллий банки ўз кредит маблағлари билан иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Кредит ресурсларини инвестиция мақсадларига самарали тақсимлаш, кредит таваккалчиликлари даражасини камайтириш ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини танлаш бўйича ишлар сифатини оширишга катта эътибор қаратилади, хусусан:

- банкларда инвестиция лойиҳаларининг экспертизаси сифатини, шу жумладан, ушбу жараён шаффофлигини ошириш, лойиҳа экспертизаси жараёнида барча потенциал омиллар ва рискларни инобатга олишни таъминлаш;

- тижорат банклари томонидан хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар билан биргаликда ташкил этилаётган инвестицион лойиҳаларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича инжиниринг компаниялари фаолиятини ривожлантириш;

- тижорат банкларининг инвестицион фаолиятига масъул бўлган ташкилий тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг ишларини ташкиллаштиришни ва самарасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

4. Тижорат банклари балансига олинган молиявий нобарқарор ва иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш ва стратегик инвесторларга сотиш ишлари давом эттирилади, жумладан:

- банк балансидаги корхоналарда инвестицияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш;

- банклар балансидаги корхоналарни тиклаш ва сотиш жараёнига потенциал, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб қилишда банкларнинг бошқарувчи компаниялари фаолиятини янада кучайтириш;

- янги инвесторларга сотилган корхоналар бўйича олди-сотди шартномаларида белгиланган тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

- банк балансидаги янги инвесторларга сотилган корхоналар фаолиятини сотилган кундан бошлаб, инвесторлар томонидан ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилгунга қадар мониторинг қилиб бориш;

- иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва молиявий соғломлаштириш, бизнес-режаларни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари раҳбарлари ва тегишли тузилмавий бўлинмалари жавобгарлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини қўллаш каби тадбирлар амалга оширилади.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш

орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади.

Шунингдек:

- узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

- хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш бўйича “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламинини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

6. 2013 йилда банк тизими фаолиятини баҳолашда етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бунда:

- республика тижорат банклари томонидан “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” етакчи халқаро рейтинг компанияларининг рейтинг баҳоларини мунтазам равишда янгиланган бориш;

- молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва тақдим қилишда унинг шаффофлиги, жумладан, халқаро таққосланувчанлик, даврийлик, муддатлилик ва сифатлилик тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш;

- банклар ва уларнинг қимматли қоғозларига берилган рейтинглар, рейтинг даражаларининг ошиши ёки пасайиши тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш;

- етакчи халқаро рейтинг компанияларидан мамлакат рейтингини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасининг холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинига асосан тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

7. Микромолиялаш соҳасини ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш доирасида:

- тижорат банклари томонидан микрокредитлар бериш ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан микромолиялаш хизматларини кўрсатиш ҳажмларини кенгайтириш, жумладан тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1,3 трлн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш;

- нобанк кредит ташкилотлари тармоғини, айниқса вилоятлардаги шаҳарларда ва аҳоли зич жойлашган туманларда кенгайтириш;

- нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва бошқа ҳисоботларни шакллантиришни автоматлаштириш бўйича дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали улар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- нобанк кредит ташкилотлари кредит портфелини бошқариш бўйича талабларни кучайтириш;

- нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини янада такомиллаштириш;

- микромолиялаштириш ташкилотлари томонидан молиявий ва ижтимоий фаолиятлари бўйича ҳисоботларнинг нашр этилиши амалиётини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилади.

8. Молия-банк тизими фаолиятини халқаро андозалар ва тамойилларга янада мувофиқлаштириш мақсадида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминланади.

Жумладан, “Гаров реестри тўғрисида”ги янги қонун, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, қонунларнинг янги таҳрири ҳамда “Лизинг тўғрисида”ги ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банклар кредиторлари ва омонатчиларининг ҳимояланиш даражасини ошириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектлари орасида банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилади.

2-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ МАЖБУРИЙ ЗАХИРАЛАР СИЁСАТИ

1. Мажбурий захиралар сиёсатининг мақсадлари.


Мажбурий захиралар бу – тижорат банкларининг депозит операциялари натижасида вужудга келган банк ресурсларининг Марказий банкда фоизсиз ҳисобрақамда сақланиш талабидир. Бу эса, ўз навбатида бевосита кредитлаш имкониятларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради.

Мажбурий захиралар сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Мажбурий захиралардан пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланиш даражаси, уларга фоиз ҳисоблаш тартиби, мажбурий захиралар меъёрининг миқдори, уларни табақалаштириш каби кўрсаткичлар бўйича мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Бундай фарқларнинг мавжудлиги, асосан, миллий иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятлари, пул муомаласи соҳасидаги вазият каби омиллар билан таърифланади.

Шунингдек мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда пул-кредит сиёсатининг муҳим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда.

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.



2-расм. Марказий банкдаги мажбурий резервлар динамикаси.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига кўшимча равишда 3176 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб қолинди.

2. Мажбурий захиралар сиёсатининг тактик вазифалари.

Мажбурий захиралар миқдорини ташкил қилишдан асосий мақсад банк тизимининг ликвидлигини таъминлаган ҳолда маълум даражада жамғармачилар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Тижорат банки ўзларининг фаолияти давомида бу фонддан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу фонд тижорат банкига унинг фаолияти тугатилганидан кейин қайтарилиши мумкин, қайтарилган маблағлар махсус тузилган тугатувчи комиссия счётига қайтарилади. Бу маблағ банк мажбуриятларини қоплаш мақсадида ишлатилади. Мажбурий захиралар миқдори ўз табиатига кўра ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий усул сифатида қаралиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори, ссуда капиталлари бозори заиф ривожланган, Марказий банкнинг валюта сиёсати орқали пул массасига етарли даражада таъсир эта олиш имконияти бўлмаган шароитда мажбурий захиралар пул-кредит сиёсатининг энг асосий ва таъсирчан инструменти бўлиб қолаверади. Унинг бундай мамлакатлар учун муҳим бўлган аҳамиятларидан бири шундан иборатки, у банк тизимининг барқарорлигини кафолатлайди. Бу эса, аҳоли ва ҳуқуқий шахсларнинг банк тизимида бўлган ишончларини мустаҳкамлайди. Чунки, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш гаровларидан бири – банк тизимида бўлган юксак ишончнинг мавжудлигидир.

Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатларда мажбурий захиралар банк тизимининг ликвидлигини таъминловчи восита сифатида эмас, балки банкларнинг кредит фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида қаралмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, минимал захиралар миқдорининг ўзгариши кредит институтларининг кредит фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилади.

3. Мажбурий захиралар сиёсатининг ўзгариши.

Мажбурий захира миқдорларининг тез-тез ўзгариб туриши бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун характерли ҳол ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, инфляция жараёнларининг нисбатан юқорилиги ва халқ

хўжалигини структуравий қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетишидир.

Шу билан бирга бу усулнинг маъмурий томони тижорат банклари кредит ресурсларининг (анчагача 20 фоизга камайтиради) камайишига сабаб бўлади. Бу эса тижорат банкларининг манфаатларига тўла мос келмайди, чунки тижорат банклари жалб қилинган депозитларнинг таркибидан қатъий назар, миқдорларга фоизлар тўлайди. Баъзи ривожланган давлатларда ушбу усулнинг маъмурий томонини камайтириш мақсадида мажбурий захираларга фоизлар тўланади.

Шундай қилиб, мажбурий захиралар меъёрининг миқдори қанчалик кичик бўлса, муомаладаги пул массасининг ўсиши шунчалик сезиларли бўлади. Бу эса, Марказий банк томонидан пул массасининг ўсишини назорат қилишнинг заифлашаётганлигини билдиради.

Пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида мажбурий захиралар қуйидаги функцияларни бажаради:

- банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш функцияси;
- тижорат банкларининг кредит эмиссиясини чеклаш функцияси;
- тижорат банки банкрот бўлганда, унинг мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш функцияси.

Марказий банк мажбурий захиралар миқдорини ўзгартириш йўли билан банк тизимининг ликвидлилигига таъсир қила олади.

Мажбурий захиралар меъёрининг миқдори қанчалик кичик бўлса, муомаладаги пул массасининг ўсиши шунчалик сезиларли бўлади. Бу эса, Марказий банк томонидан пул массасининг ўсишини назорат қилишнинг заифлашаётганлигини билдиради.

Мажбурий захираларнинг Марказий банк томонидан пул массасини назорат қилиш даражасига таъсирини мультипликация жар аёни орқали яққол кўриш мумкин. Барча пуллар, муддатсиз депозитлар шаклида бўлади ва ушбу депозитларга нисбатан захира талабномаси мавжуддир. Демак, Марказий банк пуллар таклифига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига эга. Яъни у барча пуллар миқдорини оширмоқчи бўлса, захиралар талабномасини оширади, ва аксинча, пуллар миқдорини камайтирмоқчи бўлса, захиралар талабномасининг миқдорини қисқартиради. Чунки мультипликациялашув даражаси мажбурий захиралар меъёрининг миқдorigа боғлиқдир. Мажбурий захиралар меъёри эса, мутлақо Марказий банк ихтиёридади.

2012 йилда инфляция ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида, мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган депозитлар учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдorigа ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2012 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 443 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 31,8 фоизга кўпайди.



2-расм. Марказий банкдаги мажбурий резервлар динамикаси.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварағига кўшимча равишда 3176 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилиши пул массасини прогноз кўрсаткичдан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридagi фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2012 йилда йиллик 12 фоиз миқдоридa сақлаб қолинди. 2014 йилдан бошлаб қайта молиялаш ставкаси 10 %га туширилди.

Қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражада ушлаб турилиши пул бозоридa молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айти пайтда тижорат банкларининг ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Республикадаги барқарор макроиқтисодий ҳолат ва юритилаётган қатъий пул-кредит сиёсати пул ва молия бозорларидagi фоиз ставкалари, жумладан тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз аксини топди.

3-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ВАЛЮТА СИЁСАТИ

1. Валюта сиёсатининг мақсадлари.

Бозор иқтисодиётини бошқаришда халқаро валюта мавқеида ва бошқа мамлакатнинг кўзлаган жорий ва келажакдаги иқтисодий муносабатлари тизимида валюта сиёсати асосий муҳим рол ўйнайди. У “Кўп қиррали башорат” муҳити ҳисобланган иқтисодий сиёсатнинг асосини егаллашда шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишда бош ўринни егаллайди.¹

“Валюта сиёсати ҳуқуқий жиҳатдан валютавий қонунлар асосида тартибга солинади – ҳуқуқий даражаси чекланганлиги, мамлакат ичкарисида ва валюта қимматликлари билан бўладиган муносабатларни тартибга солиш, мамлакатлараро валютавий келишувлар ХВФ Низомининг ўзгариши билан янги жаҳон валюта тизимини устунини аниқлаб беради.”²

Валюта сиёсати – валюта муаммолари бўйича қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва тадбиқ етишдан иборатдир. Валюта муносабатларини тартибга солиш бир неча поғоналардан иборат:

➤ Хусусий фирмалар, биринчи навбатда валюта муносабатларида актив иштирок етаётган ва йирик валюта маблағларига ега бўлган миллий ва халқаро банклар ва коорпорациялар киради;

➤ Халқаро давлат қаторидаги миллий давлатлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, валюта назорати ташкилотлари).

Валюта сиёсати мақсад ва шаклига кўра структуравий ва жорийга бўлинади:

Структуравий валюта сиёсати – жаҳон валюта тизими структурасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуидир. Улар ҳамма мамлакатларнинг мақсадларига тўғри келадиган, алоҳида валюталарни шакллантиришга қарши қаратилган валюта тадбирлари орқали амалга оширилади. Структуравий валюта сиёсати жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади.


Жорий валюта сиёсати – валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқаришдир.

Валюта сиёсатининг қуйдаги шакллари мавжуд: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари – валюта интервенсияси, валюта резервларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютани алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, ревальвация.³

¹ I.A.Karimov “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari”. T.: “O'zbekiston” 2009 y.

² R.R.Tojiev. “Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari” Toshkent “Adabiyot jamg'armasi” 2006 y. 18-b.

³ O.Yu.Rashidov va boshqalar. “Pul, kredit va banklar”. T.: “Max print”-2008 y. 370-b.

Валюта сиёсатининг таркиби⁴

Бу ставкалар ҳар доим фоиз ставкаларидан паст бўлади, сабаби Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинган тижорат векселлари валюта курси хавф-хатарларидан ҳолироқ бўлади.

Марказий банкнинг девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли валюта интервенсияси ҳисобланади.

Валюта интервенцияси – Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиши ёки сотиши демакдир.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида валюта интервенсиясидан кўзланган мақсад валюта курсининг қисқа вақт оралиғида кутилмаганда юзага келадиган кескин тебранишларга барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини истаган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас, чунки улар валюта бозорида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу сабабли, валюта интервенсиясидан мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш ҳисобланади. Валюта интервенсияси расмий олтин-валюта заҳиралари ёки Марказий банкларнинг банклараро “СВОП” битимлари ҳисобига амалга оширилади.

Валюта интервенцияси 19-асрдан бошлаб қўлланила бошланган. Масалан, Голландия Марказий банки, Австрия-Венгер банки миллий валютани курсини барқарор тарзда ушлаб туриш учун ундан фойдаланишган. Олтин монометализми бекор қилингандан сўнг, валюта интервенсиясидан фойдаланиш кенг тарқалди. 1929-1933 йилги жаҳон иқтисодий инқирози юзага келган шароитда Марказий банклар валюта демпингига кўмак бериш учун ўз валюталарини курсини тушириш мақсадида валюта интервенсиясидан фойдаланганлар. Бу ҳолат бугунги кунда бутунжаҳон иқтисодиётига жиддий

⁴ D.R.Dadamatova. "Markaziy bankning valyuta siyosati va uni valyuta tizimida tutgan o'rni" mavzusidagi BMIdan. TDIU 2008 y.

хавф солаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўринлидир.

Валюта интервенциясини ўтказишнинг моддий базаси вазифасини, 30-йиллардан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Канада ва бошқа мамлакатларда ташкил қилинган мақсадли валюта фондлари – олтин, чет ел ва миллий валюталарда ташкил етилган давлат фондлари ўтади. Ҳозирги шароитда бу фондларнинг роли ва йўналиши айрим давлатларда алоҳида хусусиятга егадир. Масалан, Францияда бу мақсадли валюта фонди мамлакат расмий олтин–валюта захираларининг суммаси миқдоридан ажратилган фонддир. Франция Марказий банки ўзининг интервенция операциялари ҳажмини ва характерини ошқор қилмаслик учун унинг ўлчов кўрсаткичларини матбуотда еълон қилмайди.

Девальвация бу – миллий валютани чет ел валюталарига ёки халқаро ҳисоб–китоб пул бирликлари (СДР, ЙЕВРО) га нисбатан қадрини туширишдир.

Девальвация сиёсатини мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда ва мамлакатда импорт оқими сезиларли даражада кўпайганда амалда иқтисодиётга ижобий таъсир этади. Демак, девальвацияни қўллаш шарт–шароити юзага келганда, уни дарҳол амалга ошириш лозим.

Ревальвация бу – миллий валютани чет ел валюталарига ёки ҳисоб–китоб пул бирликларига нисбатан қадрини оширишдир. Ревальвация қадри кучли валюталарга нисбатан қўлланилади. Валютавий чеклашлар одатда мамлакатлар ҳудудидан олтин ва валюта қимматликларини чиқиб кетишини олдини олиш ва шу асосида чет ел валюталарига бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади. Юқоридаги ёзилганлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, валюта сиёсати давлат сиёсатининг бир кўринишидир.

Халқаро тартибга солишда валюта, кредит ва молия сиёсати қуйидаги сабаблар билан шаклланди:

1. Миллий иқтисодиётда валюта, кредит ва молия муносабатларини бир-бирига ўзаро боғлиқлиги.

2. Хўжалик муносабатларини либерализациялаштириш шароитида бозор ва давлат бошқарувини бозор тарафга ўзгариши.

3. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон поғонасида асосий куч ҳисобланган АҚШ ўрнига учта асосий ҳамкорлик ва қарама-қарши марказларни ташкил топиши: АҚШ, Ғарбий Йёвропа ва Япония.

4. Жаҳонда кенг ўринни егаллаган валюта, кредит ва молия бозорлари, яъни сузиб юрувчи курслари; фоиз стафкаларини, биржа инқирозлари ва бошқаларни ўзгаришларни ностабилиги.

5. Ички миллий иқтисодий сиёсатнинг, шунингдек, валюта, кредит, молия, ўзаро боғлиқ бўлмаган ва уларнинг халқаро хўжаликдаги **интеграциялашуви**.


2. Валюта сиёсатининг ҳуқуқий асослари

Сўнгги йилларда Марказий банкнинг валюта сиёсати инфляциян жараёнларни жилавлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта

алмашув курси динамикасининг кескин тебранишларини олдини олиш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.⁵

5–чизма

Валюта сиёсатининг структураси ва ўрни⁶



“Иқтисодий ислохотларни устувор деб ҳисоблаётганимиз, тақсимотнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан буткул воз кечаётганимиз ҳамда бозор

⁵I.A.Karimov “Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi,O’zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo’llari va choralari”. T.: “O’zbekiston” 2009 y.

⁶Mualliflar tomonidan tuzilgan.

иктисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантираётганимиз жамиятни ислоҳ қилишга қатъий ёндашувимиз ифодасидир”.⁷ Ушбу сўзлар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг айрим даврлари билан чекланиб қолмасдан балким, босиб ўтилган ислоҳотлар босқичини ўз ичига мужассамлаштиргани ҳолда чуқур маънога егадир.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, қуйидагилар валюта назорати органлари ҳисобланади: Марказий банк, Молия Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталаридир. Уларнинг ҳар бири ўз вазифа ва функцияларига егадир. Ваколатли банклар еса валюта назорати агентлари ҳисобланади. Валюта сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир. Лекин, уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик ва замонавий иқтисодиётнинг фарқларидан бири, замонавий иқтисодиётда валюта сиёсати иқтисодий ислоҳотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли, Республика Ҳукумати ушбу масалага жуда катта эътибор қаратмоқда.

Валюта сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул – кредит сиёсати билан узвий боғлиқдир. Уларнинг иккаласи ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган чора – тадбирлар қуйидаги натижаларга еришишга қаратилгандир:

- валюта сиёсатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;
- самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил етиш;
- иқтисодий агентлар ўртасида чет ел валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил етиш;
- тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
- биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
- давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
- халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;
- валюта курсини самарали тартибга солиш;
- миллий валютанинг ички конвертирланишини таъминлаш;

Шу билан бирга, Республикаимизда амалга оширилаётган валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавфсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1.Ташқи омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни, шу жумладан молия – пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш. Маълумки, давлатнинг иқтисодий ва молиявий асосига путур йетганда у қулаб тушиши мумкин. М.

⁷ I.A.Karimov. “O‘zbekiston 21-asrga intilmoqda”. Т.: “O‘zbekiston” 2001y. 88 b.

Фридмен ўзининг “Капитализм ва еркинлик ” асарида ёзганидек “Умумий еътирофга кўра пуллар устидан назорат қилиш, иқтисодиёт устидан назорат қилишнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин”. Ўзбекистон ҳимояланиш чора тадбирларига қатъий амал қилган ҳолда Жанубий–Шарқий Осиё, Россия Федерациясидаги глобал валюта – молиявий тангликларни таъсирини камайтиришга муваффақ бўлди.

2. Биз иқтисодиётимизни самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон хўжалигига интеграция қилишини таъминлаш йўлини танладик. Экспорт базаси анча суст бўлган шарт-шароитда ички валюта бозорини еркинлаштирилишини суний тарзда тезлаштириш самарали интеграцион жараёнларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин еди. Ушбу вазифани ҳал этиш, ички ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш ва мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ҳисобга олиб, чуқур ўйланган давлат стратегияси қабул қилинишини талаб этади.

3. Иқтисодий ўсиш жараёнларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағидан фаолият юрутувчи ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва техникавий қайта ташкил этишда, қўшимча қийматнинг юқори улушини таъминлайдиган янги илғор корхоналарни вужудга келтиришда фойдаланиш валюта сиёсатининг енг асосий вазифасидир. Иқтисодий нуқтаи-назардан қараганда ушбу вазифалар юқорида қайд этилган иккита масалага базис вазифадир. Чунки давлат ўзининг стратегик вазифалари нуқтаи-назаридан илғор индустриал жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий технологияларни импорт қилиш, қайта ишлаши ва ўз шарт-шароитига мослаштира олиши унинг иқтисодий тараққиётини таъминлашини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

Миллий валюта сўмнинг муомалага киритилиши ва молиявий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш вазифаси унинг ҳуқуқий базасини янада ривожлантиришни, бозор талабларига мувофиқ равишда банклар фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солувчи алоҳида қонунни ишлаб чиқишни талаб қилар еди.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида иқтисодиётни тартибга солувчи орган сифатидаги мақомини шакллантиришда муҳим воқеа бўлди. 1996 йилда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши банкларнинг мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда фаолият кўрсатиши аниқ белгиланган ҳолда тижорат банкларининг барқарор фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратди.

1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинганидан сўнг Марказий банк валютани тартибга солиш масалалари бўйича янги меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқди, лекин 2003 йил ХВФ ни 8-моддасига қўшилишимиз муносабати билан мазкур Қонун 2003 йил 11-декабрда янги нашрда қабул қилинди.

Валюта операциялари базасини ташкил қилиш ва амалга оширишда қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир

қанча ишлар амалга оширилди. Валютани тартибга солиш муҳитини ҳуқуқий базасини ташкил қилиш, жорий иқтисодий аҳволини таҳлили натижаларидан амалга оширилаётганлиги унинг ўзига хос хусусияти бўлиб ажралиб туради.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани олди-сотди операцияларини амалга ошириш қоидалари:

- ички валюта бозорини механизмини ишлаб чиқиш;
- республика ҳудудида хорижий капитал иштирокида хорижий банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш қоидалари;
- хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун тижорат банкларига лицензия бериш қоидалари.

Банк ташкилотларида валюта қимматликлари билан боғлиқ касса операцияларини амалга ошириш ва бошқа саволларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатларни таҳлил етиш натижасида еканлигини таъкидлаш – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз валюта сиёсатини давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда валюта муносабатларини ва валюта бозорини еркинлаштиришга босқичма-босқич амалга ошираётганлиги кўринади. Валюта бозорини еркинлаштириш ва ваколатли банкларни валюта муносабатларини ривожлантиришдаги амалга ошириладиган вазифаларни аниқ белгилаб олиш – миллий валютаамизнинг тўла конвертирланишига олиб келадиган асосий чоратadbирлардан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ташқи алоқалари доираси анча кенгайиб, халқаро молия ташкилотлари ва йирик хорижий банклар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик доираси янада ривожланди.

Марказдан туриб режалаштирилаётган иқтисодиётдан бозор механизмлари асосида фаолият юритадиган иқтисодиётга ўтиш даврида кун тартибига қўйиладиган асосий мақсад бу – барқарорликка еришиш ва тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишдир. Пировард мақсад еса иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандлик, барқарор нархлар ва мувозанатли тўлов балансига еришишни таъминлашдир.

Асосий ва пировард мақсадларга еришиш учун Ўзбекистон Республикаси бозор ислохотларни амалга оширишни куйидаги тамойилларга асосланган евалюцион ёндашув йўлини танлади: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислохотчилиги; ҳуқуқий давлатни ташкил етишнинг устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш; ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилишидир.

3. Ўзбекистонда валюта сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари

Миллий валюта – сўмнинг конвертирланишини жорий етилиши республикамизда амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида аҳамият касб етувчи жиҳатларидан биридир. Конвертацияни жорий етилиши деганда – одатда, товарлар, хизматлар ва молиявий активларнинг халқаро оқимларга доир тўловлар бўйича, хорижий валютани еркин харид қилиниши ва сотилиши тушинилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига еришгач ва мамлакатимиз иқтисодиётини бозор тамойиллари асосида ислох қилиниши

бошлаб юборилиши билан конвертация қилиш асосий масалалардан бирига айланди. Ҳозирги вақтда, валютага егалик қилаётган ҳар қандай шахс уни бозордаги – қатъий белгиланган, ёки сузиб юрувчи курс бўйича уни халқаро заҳира валюталаридан бири (АҚШ доллари, Йевро ва ҳ.к)га конвертация қилиши ҳуқуқига ега бўлиши – валютанинг “**тўлиқ конвертацияланиши**” дейилади.

Станферд университети профессори Р. Маккиноннинг таърифи бўйича: “Валюта конвертацияланадиган товар ҳисобланади, агар мазкур мамлакат фуқаролари хориждан маҳсулот ва хизматлар сотиб олишни хоҳлаганларида, махсус чекланишларга юлиқмасалар, еркин бозорда барча жорий битимларга қўлланиладиган валюта курси бўйича айирбошлаш учун маҳаллий валюталарини соцалар бу – тўлиқ конвертацияланиш ҳисобланади. Бунда чет елликлар (норезидентлар) хорижий операциялардан олинган маҳаллий валютадаги маблағларга ега булганларида уларни юқорида қайд етилган курс бўйича сота олсалар бу – мазкур валютада баҳоланадиган маҳаллий товарларни еркин харид қила олишлари ҳисобланади.”⁸

Валюта сиёсатини юргизиш ва мувофиқлаштириш халқаро валюта фонди (ХВФ) зиммасига юклатилганлиги сабабли у конвертацияни талаб қилади.

Валюталарнинг конвертацияланишига доир чекловлар ҳамда ташқи савдо чекловлари, бир-биридан алоҳида тарзда ўрганилар еди. Бу ҳол, ушбу чекловларнинг икки шакли бир-биридан мустақил равишда ва турли хил сабабларга кўра ешитилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Айни пайтда, иқтисодий нуқтаи-назардан, ушбу икки турдаги чекловлардан бир хил натижани кутиш мумкин.

Валюта чекловлари шакллари турли хил шаклда бўлиши мумкин. Одатда, ташқи савдода маҳсулот экспорт қилувчиларга валюта тушумининг барчаси ёки унинг бир қисмини Марказий банк ёки ваколатли банкларга расмий курс бўйича топшириши талаби кенг қўлланилади.

Ваколатли валюта чекловлари қуйидагиларни назарда тутди:

➤ чет елга тўловларни ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, фойдани, олтинни, пул белгилари ва қимматли қоғозларни репатриация қилинишини тартибга солиш;

➤ давлатга мажбурий тарзда хорижий валютани сотилиши (расмий курс бўйича миллий валютага айирбошлаш евазига).

Қуйидагилар амалиётда қўлланилади:

➤ импорт қилувчиларга хорижий валютани сотилишини лицензиялаш;

➤ валюта қимматликларини давлат идораларининг махсус рухсатномасиз олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишини ман етилиши;

➤ жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги маблағларга егалик қилиши ва тасарруф етишини чеклаш;

➤ чет елга шахсий даромадини ўтказишни тартибга солиш;

⁸ Mc Kinnon Ronald J. Money in International Exchange. – N.Y., 1999 – p. 6.

- суғурта ва бошқа тўловларни амалга ошириши;
- чет елга чиқишда миллий валютани хорижий валютага нисбатан айирбошлашни лимитлаш.

Ўз вақтида, Япония, Жанубий Корея ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари узоқ вақт мобайнида турли хил валюта чекловлари шакллари жорий этишга мажбур еди. Мустақкам иқтисодий салоҳиятга ега бўлган давлат— Хитой ҳам турли хил валюта чекловларини қўллаган ҳолда бозор ислохотлари вақтида ўз моделини амалга ошириб келди ва фақат 1994 йилдан бошлаб тўлов баланси жорий операциялари бўйича конвертацияга оид мавжуд чекловларни бекор қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунида ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида резидентлар ва норезидентларнинг валюта муносабатларидаги ҳуқуқий лаёқатлиги аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга мазкур фарқлаш кўп ёки кам даражада аксарият мамлакатларда ҳам мавжуддир.

1-жадвал

Валютавий чеклаш турлари ва уларнинг аҳамияти⁹

Секциялар	Шу секцияга тегишли чеклашлар
“Валюта курси режими”	Валюта курсларининг кўплиги, режим турлари, резидентларнинг маълум операцияни амалга ошириш учун сотиб олинган чет ел валютасига солиқнинг ўрнатилиши форвард курсининг кафолатланиши.
“Ҳисоб-рақамлари”	Мазкур давлатда резидент ёки норезидентларнинг миллий валютада ҳисоб-рақамларини очиш бўйича чеклашлар.
“Контракт валютасини олдиндан белгилаш”	Бошқа давлатлар билан ҳисоб-китоб қилишда ҳисоб-китоблар шакли ва валюта танлаш билан боғлиқ чеклашлар.
“Импорт ва импорт тўловлари”	Импортни лицензиялаш, импортга аванс депозитлаш, импорт учун валюта тўлаш бўйича чеклашлар.
“Экспорт ва экспорт тушумлари”	Экспортни лицензиялаш, экспорт тушумларини репатриация қилиш ёки мажбурий топшириш бўйича талаблар.
“Носавдо операциялар бўйича тўловлар”	Жорий носавдо операцияларга тўловлар учун рухсат олиш билан боғлиқ чеклашлар (чет елга пул кўчириш, туристик ва хизмат сафарига кетишда валютани айирбошлаш меъёрининг (нормасининг) ўрнатилиши, чет ел ишчи ва хизматчиларининг пул кўчиришига меъёрлар (нормалар) ўрнатилиши). Миллий ва чет ел банкноталарининг экспортига қўйиладиган ихтиёрий чеклашлар.
“Носавдо операциялар бўйича тушумлар”	Носавдо операцияларидан келадиган чет ел валютасидаги тушумлар билан боғлиқ режимлар, чет ел ва миллий банкноталар импортига ўрнатиладиган чеклашлар.
“Капиталлар ва кредитлар ҳаракати”	Капиталлар ҳаракати доирасида махсус коридорлар, чет ел инвестициялари, уларнинг репатриацияси ва фойданинг

⁹ xxxxxxxxxxxx

	чет елга кўчирилиши бўйича чеклашлар, норезидентларнинг мазкур давлат ичида бир-биридан молиявий ресурсларни қарз олиш бўйича, миллий хўжалик субъектларининг чет елдан кредит олиши, қимматбаҳо қоғозлар импорти ва экспорти бўйича чеклашлар.
Тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чеклашлар	
	• хорижий экспорт қилувчиларнинг мазкур давлатда сотган товарларидан тушадиган тушумларини тўхтатиб қўйиш;
	• экспортдан келадиган валюта тушумини тўлиқ ёки қисман марказий ёки ваколатли банкларга мажбурий сотилиши;
	• Импортчиларга чет ел валютасининг чекланган сотилиши (фақат ваколатли органларнинг рухсати билан);
	• Импортчиларнинг чет ел валютасида форвард битимида сотиб олишининг чекланиши;
	• Миллий валютада чет елда товарлар сотилишининг чекланиши ёки тақиқланиши;
	• Тўлов муддатларини экспорт ва импорт операциялари бўйича бошқариш;
	• Валюта курсларининг кўплиги;
Капиталлар ва кредитлар бўйича чеклашлар	
Пассив тўлов баланси шароитида:	
	• Чет ел ва миллий валюталар, олтин, қимматли қоғозлар ва кредитлар ҳаракатини лимитлаш;
	• Кредит ва молия бозорларини назорат қилиш;
	• Миллий банкларнинг чет ел валютасида кредит беришини чеклаш;
	• Резидентларнинг чет ел қимматли қоғозларини мажбуран чет ел валютасига сотиш;
	• Чет ел қарзларини тўлашни тўлиқ ёки қисман чеклаш ёхуд бу қарзларни чет елга ўтказмаслик шарти билан миллий валютада тўлаш;
Актив тўлов баланси шароитида	
	• Марказий банкнинг фоизсиз ҳисоб-рақамида банк чет ел мажбуриятларини сақлаб туриш;
	• Миллий қимматли қоғозларни чет ел инвесторларига сотиш, норезидентларга инвестиция қилишни таъқиқлаш;
	• Чет ел валютасида олинган қарзларни мажбуран Марказий банкда алмаштириш;
	• Норезидентларнинг миллий валютадаги ҳисоб-китоб бўйича манфий фоизлар тўлаш;
	• Чет ел валютасини мамлакат ичига олиб кирилишини ман қилиш;
	• Норезидентларга миллий валютани форвард битимида сотишни ман қилиш;

Фикримизча, бугунги кунда, ички конвертация атамаси, айниқса ўтиш даврини ўзидан кечираётгани мамлакатларда нисбатан кенг маъно тарзида тушинилмоқда. Валюта операциялари бўйича ички конвертация жорий этилиши сабаблари турли хилдир.

Сўнгги йилларда доллар ҳукмдорлиги бироз бўлсада камайганлигига қарамдан асосий ҳисоб-китобларда кенг мавқеига егадир.

Ички айирбошлаш деганда резидентларнинг мамлакат ичида хорижий валютадаги муайян активлар (масалан, банк депозитлари)ни сақлаш ва тегишли тарзда миллий валютани мамлакат ичкарисида конвертация қилиш ҳуқуқи

мавжуд бўлган аҳвол тушунилади. Аммо, мамлакат ичкарисида валютага ега бўлиш ва уни айирбошлаш бўйича ушбу ҳуқуқ мамлакат ичида валюта тўловларини амалга оширилишига рухсат берилиши, шунингдек, чет елга тўловларни ўтказилиши ёки хорижда жойлаштирилган активларга егалик қилишни назарда тутмайди.

Дунёдаги энг йетакчи валюталардан ҳисобланган АҚШ банкноталари кўпинча мамлакатлар иқтисодиётига деярли ҳеч қандай қийинчиликсиз кириб бормоқда. Америка олимлари Р. Портер ва Р. Ёдсонлар ўтказган тадқиқот натижаларига асосан 1995 йилга келиб АҚШ ташқарисида муомалада юрган банкноталар миқдори тахминан 200-250 млн. долларга йетди. Ажабланарлиси шуки, АҚШ банкноталарига бўлган талаб мамлакат ичкарисидан кўра ташқарида юқори бўлди. 90-йилларнинг охирига келиб, АҚШ банкноталарининг чет мамлакатларидаги ҳажми мамлакат ичкарисига нисбатан 3 баробар тез ўсди.

Бугунги кунда баъзи давлатларда миллий валютанинг – жамғарма воситаси функцияларини АҚШ банкноталари бажармоқда. Бизнинг республикада ҳам, доллар фетишизмнинг баъзи бир кўринишлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат ва Марказий банкнинг монетар сиёсати бу – миллий валютадаги аҳоли даромадини ошириш орқали миллий валютадан манфаатдорликни оширишга қаратилгандир.

2– жадвал

Баъзи бир мамлакатларда молиявий долларлаштириш¹⁰

Мамлакатлар	Доллардаги депозитлар/депозитларнинг ялпи ҳажми, %да	Доллардаги кредитлар/кредитларнинг ялпи ҳажми, %да
<i>Аргентина</i>	65	63
<i>Боливия</i>	93	97
<i>Чили</i>	8	14
<i>Коста – Рика</i>	49	50
<i>Доминикан Республикаси</i>	24	24
<i>Салвадор</i>	8	15
<i>Гаити</i>	32	29
<i>Гондурас</i>	29	24
<i>Ямайка</i>	28	21
<i>Мексика</i>	5	20
<i>Никарагуа</i>	70	82
<i>Парагвай</i>	65	51
<i>Перу</i>	77	82
<i>Уругвай</i>	92	87
Ўртача	43	45

Бугунги кунда миллий валюта конвертацияланишини жорий этиш учун қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш лозим:

¹⁰ S.R.Moiseev. “Международн’ye valyutno-kreditni’ye otnosheniya”. М.: Delo i Servis. 2003 г. 267 стр.

➤ Тузилмавий ислохотларни амалга ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган босқичма-босқич ва узвий мулоқотлар сиёсатини ўтказиш;

➤ пул массаси ортиқчаллиги ва инфляция жараёнларига барҳам бериш;

➤ иқтисодий субъектлар бозор нархларига қайишқоқ ҳолда иш юритиши учун рағбатлантирувчи омиллар ва шарт-шароитлар яратилган муҳитнинг вужудга келтирилиши;

➤ тегишли айирбошлаш курсининг мавжудлиги;

➤ халқаро ликвидлиликнинг йетарли даражаси.

Шунингдек, конвертациянинг жорий этилиши ислохотлар жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишига шарт-шароит яратади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Пул реформасини утказиш усуллари:

- A. ревальвация, девальвация ва нулификация;
- B. ревальвация, девальвация;
- C. девальвация ва нулификация.
- D. барча жавоб тугри

2. Кредит рестракцияси жараёнида

- A. кредит ресурсларига булган талаб камаяди
- B. кредит ресурсларига булган талаб кучаяди
- C. пул массаси купаяди
- D. кимматбахо когозларнинг курси кутарилади

3. Кредит экспансияси жараёнида

- A. кимматбахо когозларнинг курси пасаяди
- B. кредит эмиссиясининг миқдори купаяди
- C. кредит ресурсларига булган талаб камаяди
- D. нотугри жавоб йук

4. Марказий банк ҳисоб ставкасини кутарилишининг сабаби:

- A. муомалада пул массаси купайиши
- B. банк кредитларининг процент ставкасининг ошиши
- C. банк кредитларининг процент ставкаси пасайиши
- D. давлат ичкарисидаги пул массаси купайиши.

5. Эркин сузиб юривчи курс режимдан фойдаланишни таказо қилувчи омилни

курсатинг

- A. Марказий банкни етарли миқдорда олтин-валюта резервларига эга булиши
- B. Марказий банкни етарли даражада олтин-валюта резервларига эга эмаслиги
- C. Мамлакат тулов балансининг ижобий сальдога эга эканлиги
- D. Мамлакатда чет эл валюталарига булган талабнинг катталиги.

6. Халқаро кредитларни таъминлашда қулланиладиган энг ликвидли гаров

объектини курсатинг

- A. ҳукуматнинг кимматбахо когозлари
- B. дебитор қарздорлик
- C. асосий фондлар
- D. давлат қаролати

7. Резидентларнинг валюта манбаларига қуйидагилар қиради:

- A. низом капиталига бадал
- B. чет эл ва ваколатли банклардан олган валюта кредитлари
- C. ички бозордан сотиб олинган валюта
- D. барчаси қиради

8. Банкнота-бу:

- A. эмиссия банклари томонидан чиқарилган кредит пулларининг турлари;
- B. тижорат банклари томонидан чиқарилган кимматбахо когозлар;
- C. марказий банк томонидан чиқарилган кредит қарточкаларининг бир тури.
- D. тугри жавоб йук

9. Валюта-

- A. муайян давлатнинг пул бирлиги ва унинг турлари;
- B. хорижий давлатларнинг халқаро ҳисоб-китобларда қулланиладиган пул бирлиги;
- C. нотугри жавоб йук.
- D. Миллий валюта

10. Валюта захиралари-бу:

- A. олтин ва чет эл валютасининг марказлашган жойи;
- B. мамлакатнинг марказий банкидаги пул металл захираси;

С. халқаро валюта фондидан олинган пул-кредит ва олтин захираси.

Д. Чет эл валютаси захираси

11. Молиявий бозор максоди:

А. Пулнинг эркин ҳаракати ва олди-соттиси учун нормал ҳолатни таъминлаш;

В. Бозор ташкилотчиларига фойдани таъминлаш;

С. Маблаглар ҳаракати устидан давлат назоратини урнатиш.

Д. Пул-кредит ҳаракатини бошқариш

12. Халқаро ҳисоб китоблар бу:

А. турли давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари натижасида вужудга келган ташқи қарзларини тартибга солиш усули.

В. халқаро ташқи савдода вужудга келадиган молия кредит фаолиятини банклар орқали тартибга солиш

С. турли давлат ҳудудида жойлашган давлат, ташкилот, аҳолининг иқтисодий, сиёсий алоқалари

Д. орқали вужудга келган пуллик талаб ва мажбурий туловларини тартибга солиш тизими

13. Кредит тизими нима?

А. бу пул муносабатлари йигиндиси

В. бу кредит муносабатларини ташкил этувчи кредит муассасалари ва институтлари йигиндиси

С. бу банк ва саноат корхоналари йигиндиси

Д. бу кредит муассасалари ва сугурта компаниялари йигиндиси

14. Вақолатли тижорат банкни пасив операциялари бу:

А. бу банкнинг капитал яратиш билан болиқ фаолияти

В. бу банк томонидан давлатнинг пул муомаласини тартибга солиш билан болиқ операцияси

С. бу банкнинг банк ресурсларини ташкил этиш максодида буш пул маблагларини йиғиш билан болиқ фаолияти

Д. бу банкнинг ташқи савдони кредитлаш билан боғлиқ фаолияти.

15. Вақолатли Банк кредитининг асосий турларига қайсилар қиради?

А. узок муддатли, қиска муддатли, тижорат кредит

В. давлат кредити, урта муддатли, узок ва қиска муддатли

С. қиска, урта ва узок муддатли

Д. тижорат, давлат, узок ва қиска муддатли кредитлар

16. Халқаро кредит нима?

А. бу қимматбаҳо қозғалар ҳаракати

В. бу товар моддий қийматликлари ҳаракати

С. бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга булган қарз мажбурияти

Д. халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида ссуда капиталнинг ҳаракати.

17. Декрет пуллари бу:

А. олтинга алмаштириш мумкин булган қиймат белгилари.

В. узининг металл қийматидан юқори қийматга эга булган пуллар.

С. қимматбаҳо металлларга алмаштириш имкони йук пуллар.

Д. барча тулов қиймати ва алмаштириш имконига эга булган пуллар.

18. М2 пул агрегати уз ичига:

А. металл пуллар ва қозғалар .

В. нақд пуллар ва чек жамғармалари.

С. нақд пуллар. чек жамғармалари. ночек жамғарма рақамлари ва қичик муддатли жамғармалар.

Д. нақд пуллар. ночек жамғарма рақамлари ва майда муддатли жамғармалар.

19. Девальвация нима максадда утқазилади?

А. экспортини рағбатлантириш.

- В. импортни рағбатлантириш.
- С. тулов балансини дефицитига бархам бериш.
- Д. давлат пул бирлигини кадрина кутариш мақсадида.

20. Эркин сузиб юрүвчи курс режимдан фойдаланишни такозо килүвчи омилни курсатинг.

- А. Марказий банкни етарли микдорда олтин-валюта резервларига эга булиши.
- В. Марказий банкни етарли даражада олтин-валюта резервларига эга эмаслиги.
- С. Мамлакат тулов балансининг ижобий сальдога эга эканлиги.
- Д. Мамлакат чет эл валюталарига булган талабнинг катталиги.

21. Накд пулли валюта операцияси нима?

- А. туловни уч кун муддат ичида тулаш.
- В. туловни кредит карточкалари ёрдамида тулаш.
- С. валюта операцияларини маълум шарт асосида утказиш.
- Д. туловни маълум муддат уткандан сунг тулаш.

22. Хозирги замонда пулнинг сотиб олиш қувватини нима белгилайди?

- А. пул бирлигидаги олтин микдори.
- В. аҳолига сотиладиган товарлар массаси ва курсатилган хизматлар ҳажми.
- С. давлатнинг пул муомаласи соҳасидаги пул сиёсати.
- Д. марказий банкнинг пул муомаласидаги сиёсати.

23. Пулнинг кредит характери нима билан белгиланади?

А. марказий банкнинг Тижорат банкларини кредитлаш жараёни орқали муомалага пул чиқариши.

- В. муомаладаги пулларнинг давлат томонидан таъминланиши.
- С. давлат бюджетининг Давлат банклари кредити ҳисобига қопланиши билан.
- Д. муомаладаги пулларнинг товарлар билан таъминланганлиги.

24. Баҳо масштаби нима?

- А. миллий пул бирлигининг олтин асоси.
- В. товарлар массаси билан пул массаси уртасидаги фарқ.
- С. мамлакат пул тизимини бир бирлиги таркибидаги қимматбаҳо металллар микдори.
- Д. тугри жавоб йук.

25. Пул нима?

- А. товарлар ва хизматлар тулови воситаси, қиймат улчови ва сақланиш воситасидир.
- В. баҳолар масштабини белгиловчи восита.
- С. меҳнат таксимоти шароитида товар айрбошлаш воситаси.
- Д. барча товарлар умумий эквивалентини бажарувчи маҳсус товар.

26. Пул муомаласи қонуни бу:

А. мамлакатда товар айрбошлаш учун хизмат килүвчи зарурий пул микдорини белгиловчи қонун.

- В. пул муомаласи ҳаракатини ургатувчи қонун.
- С. барча пулларга таалукли қонун.
- Д. тугри жавоб йук.

27. Давлатнинг эмиссион кредит сиёсатини қим аниқлайди?

- А. давлат.
- В. молия вазирлиги.
- С. марказий банк.
- Д. ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

28. Халқаро молиявий ва бошқа ҳисоб китоблар қуйидаги валюталарда олиб борилади:

- А. АКШ доллари, Англия фунт стерлинги, Германия маркасида.
- В. АКШ доллари ва Германия маркасида.
- С. Эркин муомаладаги валютада.
- Д. Икки давлат орасидаги қелишилган валютада.

29. Жахон Ямайка Валюта тизими Бреттон Вудс валюта тизимидан нимаси билан фарк килади?

- A. олтин демонетизация, эркин узгарувчан валюта курси ва куп валютали стандарт.
- B. доллар стандарти. олтин микдори атрофида узгарадиган курс.
- C. олтин девиз стандарти. олтинга эркин алмаштириладиган когоз пуллар.
- D. олтин демонетизацияси, доллар стандарти.

30. Декрет пуллари бу:

- A. олтинга алмаштириш мумкин булган киймат белгилари.
- B. узининг металл кийматидан юкори кийматга эга булган пуллар.
- C. кимматбахо металлларга алмаштириш имкони йук пуллар.
- D. барча тулов кийматига ва алмаштириш имконига эга булган пуллар.

31. M2 пул агрегати уз ичига:

- A. металл пуллар ва когоз .
- B. накд пуллар ва чек жамгармалари.
- C. накд пуллар. чек жамгармалари. ночек жамгарма ракамлари ва кичик муддатли жамгармалар.
- D. накд пуллар. ночек жамгарма ракамлари ва майда муддатли жамгармалар.

32. Девальвация нима максадда утказилади?

- A. экспортини рағбатлантириш.
- B. импортни рағбатлантириш.
- C. тулов балансини дефицитига бархам бериш.
- D. давлат пул бирлигини кадрилини кутариш максадида.

33. Эркин сузиб юрувчи курс режимидан фойдаланишни такозо килувчи омилни курсатинг.

- A. Марказий банкни етарли микдорда олтин-валюта резервларига эга булиши.
- B. Марказий банкни етарли даражада олтин-валюта резервларига эга эмаслиги.
- C. Мамлакат тулов балансининг ижобий сальдога эга эканлиги.
- D. Мамлакат чет эл валюталарига булган талабнинг катталиги.

34. Накд пулли валюта операцияси нима?

- A. туловни уч кун муддат ичида тулаш.
- B. туловни кредит карточкалари ёрдамида тулаш.
- C. валюта операцияларини маълум шарт асосида утказиш.
- D. туловни маълум муддат уткандан сунг тулаш.

35. Ликвидли маблаглар бу:

- A. мавжуд маблагларни тездан йукотиш қобилияти.
- B. товар моддий кийматликларини пулга сотиш қобилияти.
- C. товар моддий кийматликларини накд пулга айланиш қобилияти.
- D. корхоналарда мавжуд булган накд ва накд пулсиз пул маблаглари.

36. Марказий банк мажбурий захираларига тулов олишдан максад:

- A. тижорат банклари кредит потенциалига таъсир курсатиш;
- B. депозитларни химоя қилиш;
- C. марказий банк даромадига таъсир курсатиш;
- D. банкларнинг ликвидлилигини сақлаш;

37. Облигацияларни ва акцияларни олиш-сотиш қаерда амалга оширилади?

- A. биржада
- B. аукционда
- C. биржадан ташқари бозор
- D. иккиламчи бозор.

38. Пул массасини тартибга солиш-бу:

- A. очик бозордаги операциялар, марказий банкнинг мажбурий резервлар буйича сиёсати, пул секторида пул микдорининг камайиши; фоизлар сиёсати, очик бозордаги операциялар,

В. ҳукумат томонидан муомаладаги пул микдорини белгиланиши;
С. фоизлар сиёсати, очик бозордаги операциялар; пул секторида ҳукуматнинг барқарор сиёсати

Д. пул микдорининг купайиши;

39. Ҳисоб проценти-бу:

А. банклар томонидан векселларни, кимматбаҳо коғозларни, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;

В. Марказий банклар томонидан кимматбаҳо коғозларни, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;

С. банклар томонидан векселларни, кимматбаҳо коғозларни ва облигация купонларини, ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тулов муддати келгунга қадар сотиб олиш учун пулни олдиндан беришдаги тулов ҳақи;

Д. тугри жавоб йук

40. Фоиз сиёсати-бу;

А. Марказий банкнинг пул-кредит сферасини тартибга солишга қаратилган сиёсатининг бир булаги;

В. тижорат банкларининг пул-кредит сферасини тартибга солишга қаратилган сиёсати;

С. Марказий банкнинг давлатга ва бошқа банкларга берадиган кредитлари учун белгиланган фоиз сиёсатидир.

Д. Нотугри жавоб йук

41. Монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари;

А. Мажбурий резерв талаблари; қайта молиялаштириш ставкаси; очик бозордаги операция ва селектив кредитлаш;

В. Мажбурий резерв талаблари; қайта молиялаштириш ставкаси; очик бозордаги операция;

С. Мажбурий резерв талаблари; очик бозордаги операция ва селектив кредитлаш;

Д. Тугри жавоб йук

42. Метал пул назарияси бу-

А. факатгина металл пуллар(олий металллар) пул була олади деган фикрни окловчи назария;

В. жамиятнинг асосий бойлиги пулдир деган фикрни окловчи назария;

С. тугри жавоб йук;

Д. нотугри жавоб йук.

43. Монетар сиёсат бу-

А. Макроиктисодий шароитларга таъсир қурсатиш учун давлат томонидан ишлатиладиган инструмент;

В. пул массасини қупайтириш мақсадида банк томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсати;

С. Тижорат банклари кредит сиёсатининг бир булаги.

Д. Нотугри жавоб йук

44. Давлат томонидан пул маблағлари қайси манбалардан олинади:

А. солиқ, банкдан кредит ва пул эмиссияси орқали;

В. солиқ, кредит ва пул эмиссияси орқали ва чет эл инвестицияси орқали

С. солиқ, ва пул эмиссияси орқали;

Д. тугри жавоб йук

45. Давлатнинг монетар сиёсатини олиб боришдаги усуллари :

А. очик бозордаги операция, процент сиёсати;

В. пул муомаласи устидан тугридан-тугри назорат, муомалага пул чиқариш еки муомаладан олиш;

С. янги пулларни чиқариш, банкдан пул олиш ва уларни назорат қилиш, банкларнинг касса режасини тузиш, очик бозордаги операция;

Д. пул секторида пул массаси устидан тугридан-тугри назорат, янги пулларни чиқариш, очик бозордаги операция;фоиз ставкалари сиёсатидир.

46. Металл пул назариясининг асосий камчилиги:

А. пул хусусияти факатгина олий металларга хос;

В. пул функциялариини бир томонлама қараш;

С. коғоз пулларнинг мавжудлигини инкор қилиш

Д. барча жавоб нотугри

47. Агар марказлашган кредит ресурсларининг фоиз ставкалари ошса, унда:

А. миллий валютанинг курси ошади

В. тулов балансининг пассивлиги кучаяди

С. тижорат банклари кредитларининг хажми ошади

Д. қимматбаҳо қоғозларнинг курси қуътарилади

48. Халққаро кредитлар буйича ққарздорлик муаммоси ққайси йуъл билан хал ққилинади?

А. умидсиз ссудаларни банк балансидан ўчиқарилади

В. янги кредит линияси очилади

С. кредит олаётган объектлар ққучли назорат остига олинади

Д. барча жавоб тугри

49. Металл пул назарияси буйича пул функциялари:

А. уқта;

В. иккита;

С. туртта.

Д. бешта

50. Хозирги пайтда жахон пул вазифасини қандай пуллар бажаради:

А. эркин алмашадиган валюталар;

В. олтин;

С. расмий тан олинган ҳисоб бирликлари;

Д. барча жавоб тугри ;

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.
2. Ўзбекистон Республикасида пул муомаласига тасниф (пул муомаласи, бошқарув, иқтисод)
3. Банк кассаларига нақд пул киримини ташкил этиш (касса, банк, нақд пул, кирими)
4. Аҳолининг пул харажатларини шаклланиши ва уни прогнозлаш усуллари (пул, харажат, харажат турлари, прогнозлаш)
5. Нақд пул берилиши устидан назорат (нақд пул, нақд пулни бери усуллари, назорат)
6. Марказий Банк мақоми (банк, Марказий банк, Марказий банк мақоми)
7. Пул муомаласини ташкил этиш принциплари (пул, пул муомаласи, принциплари)
8. Пул муомаласини прогнозлашда касса буюртмасининг урни ва мазмуни (касса, прогнозлаш, урни)
9. Иш хаки фонди устидан банк назоратининг моҳияти ва аҳамияти (иш хаки, фонд, банк назорати)
10. Эмиссия ва касса операцияларининг бир-бирига боғлиқлиги (эмиссия, касса, касса операциялари)
11. Кайта молиялаштириш сиёсати (молия, молиялаштириш тизими, молия бозори)
12. Пул муомаласини прогнозлаш объектлари ва усуллари (пул, пул муомаласини прогнозлаш, объектлари, усуллари)
13. Касса интизоми ва уни назорат этиш (касса, интизом, назорат)
14. Банкни касса режасини бажариши соҳасида олиб борадиган ишининг моҳияти ва аҳамияти (банк, касса, касса режаси, режани бажариш)
15. Иш хаки фонди устидан банк назоратининг моҳияти ва аҳамияти (иш хаки, иш хаки фонди, назорат)
16. Маказий Банкнинг функциялари (банк, Марказий банк, функциялари)
17. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансининг моҳияти ва аҳамияти (пул, даромад, харажат, баланс)
18. Пул муомаласини прогнозлашда касса буюртмасининг урни ва мазмуни (пул, касса, касса буюртмаси, прогнозлаш)
19. Иш хаки ва мукофот учун маблағларни берилиш тартиби (иш хаки, мукофот, маблағ)
20. Учет ставкасини тартибга солиш (учет, ставка, тартибга солиш)
21. Касса интизоми ва уни назорат этиш (касса, интизом, назорат)
22. Пул муомаласини прогнозлашни зарурияти ва вазифалари (пул, муомала, прогнозлаш)
23. Нақд пулнинг доимий айланиши (пул, нақд пул, пул айланиши)

24. Эмиссия операциясини тартибга солиш (эмиссия, операция, тартибга солиш)
25. Банк назоратини ташкил этиш (банк, назорат, ташкил этиш йуллари)
26. Йиллик касса буюртмасини хисоблашнинг хусусиятлари (касса, буюртма, турлари, хисоблаш усуллари)
27. Ахолининг пул даромадларининг шаклланиш хусусиятлари ва уларни прогнозлаш усуллари (пул, даромадлар, шаклланиши, прогнозлаш)
28. Накд пул миграцияси ва уни урганиш усуллари (пул, наkd пул, миграция)
29. Пул агрегатларини прогнозлаш тартиби (касса, буюртма, турлари)
30. Пул муомаласини прогнозлашда касса буюртмасининг урни ва мазмуни (пул, пул муомаласи, касса, касса операциялари)
31. Иш хакига ва бошка максадлар учун наkd пул беришни прогнозлаш (иш хаки, пул, наkd пул, прогнозлаш)
32. Йиллик касса буюртмасини хисоблаш хусусиятлари (касса, буюртма, турлари, хисоблаш усуллари)
33. Иш хаки фонди харажатлари устидан банк назорати (иш хаки, иш хаки фонди, харажатлар, банк, назорат)
34. Марказий банк макоми (банк, Марказий банк, Марказий банк макоми)
35. Очик бозордаги операциялар бозор, турлари, очик бозор, операциялари)
36. Банк назорати (банк, банк назорати, назорат турлари)
37. Банкни пул агрегатларини айланиши сохасида олиб борадиган ишининг мохияти ва ахамияти (банк, касса, касса режаси, режани бажариш)
38. Иш хаки фонди устидан банк назоратининг мохияти ва ахамияти (иш хаки, иш хаки фонди, банк, назорат)
39. Эмиссия ва касса операцияларининг бир-бирига богликлиги (эмиссия, касса, касса операциялари)
40. Марказий банкнинг ташкил этиш шакллари (банк, Марказий банк, шакллари)
41. Мажбурий заҳира талаблари (заҳира, тулов, талаб, мажбурий заҳира)
42. Пул муомаласини тартибга солиш (пул, пул муомаласи, тартибга солиш)
43. Накд пул буйича касса операциялари устидан назорат (пул, наkd пул, касса, режа)
44. Эмиссия интизоми (эмиссия, интизом, назорат, турлари)
45. Кайта молиялаштириш сиёсати (молия, молиялаштириш тизими, молия бозори)
46. Банк назоратини ташкил этиш (банк, банк назорати, назорат турлари)
47. Накд пул берилиши устидан назорат назорат (наkd пул, наkd пулни бери усуллари, назорат)
48. Иш хаки ва мукофот учун маблагларни берилиш тартиби (иш хаки, мукофот, маблаг)
49. Марказий банкнинг функциялари (банк, Марказий банк, функциялари)

50. Бюджетнинг касса ижросини ташкил этиш (бюджет, касса, ижрочилар)
51. Банкларни лицензиялаш (банк, лицензиялаш, кредит)
52. Ўзбекистон Республикасида пул муомаласига тасниф (пул муомаласи, бошқарув, иктисод)
53. Банк кассаларига нақд пул киримини ташкил этиш (касса, банк, нақд пул, кирими)
54. Аҳолининг пул харажатларини шаклланиши ва уни прогнозлаш усуллари (пул, харажат, харажат турлари, прогнозлаш)
55. Нақд пул берилиши устидан назорат (нақд пул, нақд пулни бери усуллари, назорат)
56. Марказий Банк мақоми (банк, Марказий банк, Марказий банк мақоми)
57. Пул муомаласини ташкил этиш принциплари (пул, пул муомаласи, принциплари)
58. Пул муомаласини прогнозлашда касса буюртмасининг урни ва мазмуни (касса, прогнозлаш, урни)
59. Иш хақи фонди устидан банк назоратининг моҳияти ва аҳамияти (иш хақи, фонд, банк назорати)
60. Эмиссия ва касса операцияларининг бир-бирига боғлиқлиги (эмиссия, касса, касса операциялари)
61. Қайта молиялаштириш сиёсати (молия, молиялаштириш тизими, молия бозори)
62. Пул муомаласини прогнозлаш объектлари ва усуллари (пул, пул муомаласини прогнозлаш, объектлари, усуллари)
63. Касса интизоми ва уни назорат этиш (касса, интизом, назорат)
64. Банкни нақд пул соҳасида олиб борадиган ишининг моҳияти ва аҳамияти (банк, касса, касса режаси, режани бажариш)
65. Иш хақи фонди устидан банк назоратининг моҳияти ва аҳамияти (иш хақи, иш хақи фонди, назорат)
66. Мақазий Банкнинг функциялари (банк, Марказий банк, функциялари)
67. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансининг моҳияти ва аҳамияти (пул, даромад, харажат, баланс)
68. Пул муомаласини прогнозлашда касса буюртмасининг урни ва мазмуни (пул, касса, касса буюртмаси, прогнозлаш)
69. Иш хақи ва мукофот учун маблағларни берилиш тартиби (иш хақи, мукофот, маблағ)
70. Ҳисоб ставкасини тартибга солиш (ҳисоб, ставка, тартибга солиш)

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Пул-кредит сиёсатининг назарий асослари ва замонавий концепциялари.
2. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида марказий банкларнинг асосий фаолияти ва уни янада ривожлантириш йўллари.
3. Ислохотларнинг ҳозирги шароитида пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар ва унинг стратегик йўналишлари.
4. Пул-кредит сиёсатининг институционал жиҳатлари.
5. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пул кредит сиёсатини такомиллаштириш йўллари.
6. Марказий банк мустақиллиги концепциялари.
7. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари ва улардан самарали фойдаланиш омиллари.
8. Пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментлари ва улардан самарали фойдаланиш омиллари.
9. Жаҳон молиявий инқирози шароитида капиталлар ҳаракати устидан назоратни самарали ташкил этиш йўллари.
10. Марказий банкнинг валюта сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

8.1. Мустақил таълим учун саволлар.

1. Марказий банкларнинг асосий фаолияти.
2. Марказий банкларнинг вужудга келиш тарихи
3. Пулнинг пайдо бўлиш сабаблари ва унинг дастлабки кўринишлари.
4. Пул-кредит сиёсатининг назарий асослари
5. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида марказий банкларнинг асосий фаолияти.
6. Пул-кредит сиёсатидаги ўзгаришлар. Бевосита инструментлардан билвосита инструментларга.
7. Пул-кредит сиёсатининг институционал жиҳатлари
8. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пул кредит сиёсатини такомиллаштириш йўллари.
9. Марказий банк мустақиллиги концепциялари.
10. Пул-кредит сиёсатининг билвосита инструментлари
11. Очиқ бозордаги операцияларга кириш. Очиқ бозордаги операциялар объектлари.
12. Пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментлари
13. Жаҳон молиявий инқирози шароитида капиталлар ҳаракати устидан назорат.
14. Валюта курси сиёсати
15. Валюта курси режими классификацияси.
16. Валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар
17. Валюта курси ва уни аниқлаш тартиби.
18. Валюта курсининг турлари.
19. Кросс-курс ва уни ҳисоблаш.
20. Валюта котировкалари.

8.2. Ижодий топшириқ.

“Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда пул кредит тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилиш босқичлари” мавзусида тақдимот тайёрлаш.

ГЛОССАРИЙ

Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар хужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Вақтинчалик усул - тўлов баланси дефицитини чет эл капиталини, яъни тадбиркорлик ва ссуда капиталларини киритиш йўли блан қоплашга айтилади.

Валюта қамали - халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гуруҳи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиш жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.

Валюта бозорлари - бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир.

Валюта бозорларидаги операциялар- ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ва чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

Валюта интервенцияси - Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

Валюта курси - валюта бозоридаги чет эл валютасига эга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Валюта муносабатлари- валютанинг жаҳон оборотидаги ҳаракати натижасида вужудга келадиган пул муносабатидир.

Валюта операциялари - чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк ҳуқуқининг алмашилиши билан боғлиқ операцияларга айтилади.

Валюта резервларини диверсификация қилиш-бир вақтнинг ўзида 1 неча етакчи эркин алмашинадиган валюталарда чет эл валюта резервларини ташкил қилиш - валюта резервларини диверсификация қилиш дейилади.

Валюта риси - валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар кўриш хавфи тушунилади.

Валюта сиёсати - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисидир.

Валюта тизими- валюта муносабатини ташкил қилишнинг давлат ҳуқуқи шакли.

Валютанинг курс режими-биринчидан, агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида аниқланса, бу эркин сузиб юрувчи курс режими деб аталади.

Валютавий инқироз - халқаро валюта муносабатларида юзага келадиган кескин зиддиятларга айтилади.

Векселли кредит- экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат хужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

Воситалашган кафолатлар- кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

Девальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман конуний асосда пасайтирилиши.

Девиз сиёсати -бу давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади.

Дисконт ставкаси-учёт ставкаси, Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

Дисконт сиёсати - Марказий банкнинг учёт ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси- тадбиркорлик билан ссуда капиталининг ҳаракати акс эттирилади.

Кредит дискриминацияси - бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишдир.

Кросс-курс - бир мамлакатнинг валютасини иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатан USD орқали ифодаланадиган нисбати. Кросс-курс халқаро миқёсда кенг қўлланилади. Уни асосан йирик компаниялар ва корпорациялар қўллайди. Бу валюта курсини аниқлашнинг реал йўли ҳисобланади.

Ломбард кредити -тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиш - бу ломбард кредити ҳисобланади.

Мамлакатларнинг халқаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш режасини белгилаш, халқаро ҳисоб-китоблар тури:

Миллий валютанинг паритети - миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбати бўлиб, у ҳисобланадиган кўрсаткич ҳисобланади ва миллий валюта курсини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредит- экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Пассив тўлов баланси-тушумлар суммаси тўловлар суммасидан бўлади.

Ревальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

Савдо баланси- экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Кредитга сотиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.

Своп операцияси - бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шарти бўйича сотишига ёки форвард шарти бўйича сотиб олиш ва спот шарти бўйича сотишга айтилади.

- СКВ да амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

Спот операциялари - валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунида келиб тушадиган операциялар.

Сўнги усул - мамлакатнинг олтин валюта резервларини ишлатиш йўли билан тўлов баланси дефицитини қоплашга айтилади.

Тасдиқланган кафолатлар- кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Тўғри кафолатлар – бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

Тўлов баланси - мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади.

Фирма кредити - экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади.

Форвард операциялари - белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан охиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1; 3; 6; 9; ва 12 ойларни киритиш мумкин.

Халқаро кафолатлар - товарлар ва капиталлар ҳаракатининг узлуксиз ва доимий ҳаракат қилинишини таъминланишига хизмат қилиб Марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари - тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро ҳисоб-китоблар-ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз ҳаракатдаги операциялар мажмуи тушунилади.

Харид аванси - экспортни кредитлашнинг бир формаси бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, харид авансидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда фойдаланмоқдалар.

Харид кредити- экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкини кредитлаш ҳисобланади.

Хизматлар ва тижорат характерига эга бўлмаган тўловлар баланси- транспорт, почта, телеграф, телефон, туризм, маданий алоқалар, переводлар, хорижий мамлакатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш, чет элда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш, халқаро кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа шу каби соҳаларда юзага келувчи валютавий тушумлар ва тўловлар суммаси акс эттирилади.

Чет эл валюталарини диверсификация қилиш - бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади.

Ҳисоб-китоб баланси - шундай иқтисодий категорияки, бунда мамлакатнинг хорижий давлатларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг умумий суммаси кўрсатилади.

ЭАВ - мамлакатнинг тўлов балансини жорий операциялар бўлимига валютавий чеклашлар бўлмаса, бу мамлакатнинг пули эркин алмашадиган валюта деб тан олинади.

Қайта молиялаштириш сиёсати - Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта кўринишида бўлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар куйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

Банк-молия тизимининг барқарорлиги – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бизнес – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Бозор конъюктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, куйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи ҳисобланади.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона ҳўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дефляция – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул - кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Диверсификация – (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимооти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион сиёсат – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутди.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилди, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш каби ларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулк ий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чоратабдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни - янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Интернет хизматлари - интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, воқеий вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва ҳ.к.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

Ипотека кредити - жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилиқ шартларида берилади.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банklar ва бошқа махсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шarti билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармойни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия–кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодаладиган махсус товар.

ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ БЎЙИЧА


1-мавзу: Марказий банкнинг дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати

- Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати.
- Фоиз сиёсати хусусиятлари.
- Фоиз сиёсатининг роли. Фоиз сиёсатининг тамойиллари.
- Фоиз сиёсати орқали хал қилинадиган муаммолар.
- Тижорат банкларнинг фоиз сиёсати.

Монетар сиёсатнинг инструментлари

- O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki pul-kredit siyosatini amalga oshirishda quyidagi instrumentlardan foydalanadi:
- Majburiy zaxiralar siyosati;
- Hisob stavkalari siyosati;
- Ochiq bozordagi operatsiyalar siyosati;
- Valyuta siyosati va shu kabilar.

Монетар сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари



Монетар сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари



Монетар сиёсатини такомиллаштириш истиқболлари



МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Markaziy bankning pul-kredit siyosatini tartibga solish yuzasidan mavjud tartiblariga muvofiq, tijorat banklari majburiy zaxiralarni Markaziy bankda saqlaydilar.

Majburiy zaxiralar bu – tijorat banklarining depozit operatsiyalari natijasida vujudga kelgan bank resurslarining Markaziy bankda foizsiz hisobraqamda saqlanish talabidir. Bu esa, o'z navbatida bevosita kreditlash imkoniyatlarini chegaralaydi va depozit emissiyasini qisqartiradi.

Majburiy zaxiralar siyosati Markaziy bank pul-kredit siyosatining asosiy instrumentlaridan biri hisoblanadi. Majburiy zaxiralardan pul-kredit siyosatining instrumenti sifatida foydalanish darajasi, ularga foiz hisoblash tartibi, majburiy zaxiralar me'yorining miqdori, ularni tabaqalashtirish kabi ko'rsatkichlar bo'yicha mamlakatlar o'rtasida jiddiy farqlar mavjud. Bunday farqlarning mavjudligi, asosan, milliy iqtisodiyotni rivojlantirish xususiyatlari, pul muomalasi sohasidagi vaziyat kabi omillar bilan ta'riflanadi.

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Пул-кредит сиёсатининг instrumenti sifatida majburiy zaxiralar quyidagi funksiyalarni bajaradi:

bank tizimining likvidiligiga ta'sir etish funksiyasi;

tijorat banklarining kredit emissiyasini cheklash funksiyasi;

tijorat banki bankrot bo'lganda, uning majburiyatlari bo'yicha hisoblashish funksiyasi.

Markaziy bank majburiy zaxiralar miqdorini o'zgartirish yo'li bilan bank tizimining likvidiligiga ta'sir qila oladi.



Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда пул муомаласини бошқаришда қуйидаги пул агрегатларидан фойдаланилади:


М0 - муомаладаги нақд пуллар.

М1 - М0 пул агрегати ва талаб қилиб олинган ҳисоб рақамлар қолдиқлари.


М2 - М1 пул агрегати ва муддатли депозитлар.

М3-М2 пул агрегати, депозит сертификатлари, мақсадли заём облигациялари, давлат заёми облигациялари, хазина мажбурийларидан ташкил топади.

Пул-кредит сиёсатнинг билвосита инструментлари орқали амалга оширилган операциялар ҳажмининг динамикаси
млрд. Сўм




Мажбурий заҳиралар қолдиғининг динамикаси
млрд. сўм



2012 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(прогноزلари % да)

Value	Change
3,006.62	38.97 ▲
2,649.74	33.35 ▲
107.90	2.93 ▲
10,744.54	96.03 ▲
1,367.40	45.27 ▲



7-9 %

• ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ

12 % даражасида сақлаш

• МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА
МОЛИАЛАШ СТАВКАСИНИ


5 % га тушуриш

• ЯҒОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ

2-МАВЗУ БЎЙИЧА

3-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ МАЖБУРИЙ ЗАҲИРАЛАР СИЁСАТИ

- Мажбурий захиралар сиёсатнинг мақсадлари.
- Мажбурий захиралар сиёсатнинг тактик мақсадлари.
- Мажбурий захиралар сиёсатнинг ўзгариши.




Мажбурий захиралар сиёсатнинг мақсадлари.

Markaziy bankning pul-kredit siyosatini tartibga solish yuzasidan mavjud tartiblariga muvofiq, tijorat banklari majburiy zaxiralarni Markaziy bankda saqlaydilar.

Majburiy zaxiralar bu – tijorat banklarining depozit operatsiyalari natijasida vujudga kelgan bank resurslarining Markaziy bankda foizsiz hisobraqamda saqlanish talabidir. Bu esa, o'z navbatida bevosita kreditlash imkoniyatlarini chegaralaydi va depozit emissiyasini qisqartiradi.

1995-2009 yy.da majburiy zaxiralar miqdorining o'zgarishi (% da)



Rivojlanayotgan va o'tish davri iqtisodiyoti mamlakatlarida majburiy zahiralar normativi


Mamlakat	Normativ, %	Mamlakat	Normativ, %
Bolgariya	8	Polsha	5
Braziliya	15-75	Rossiya	7-10
Vengriya	11	Saudiya Arabistoni	2-7
Isroil	0-6	Singapur	3
Hindiston	3-11	Slovakiya	3-6,5
Indoneziya	3-5	Sloveniya	12
Kolumbiya	5-21	Tailand	6
Latviya	7	Chexiya	2
Litva	8	Chili	3,6-9
Malayziya	13,5	Estoniya	13
Meksika	0	Janubiy Afrika	2
Peru	7	Janubiy Koreya	1-5

Rivojlanayotgan va o'tish davri iqtisodiyoti mamlakatlarida zahira majburiyatlarini saqlash va hisobini yuritish xususiyatlari

Mamlakatlar	O'rtachalashtirish	Zahiralarni saqlash davri	Hisob davri va zahiralarni ushlab turish davrlari o'rtasidagi oraliq (lag)
Hindiston	Ha	Ikki hafta	Ikki hafta
Indoneziya	Ha	Bir hafta	Ikki hafta
Janubiy Koreya	Ha	Ikki hafta	Bir hafta
Malayziya	Ha	Ikki hafta	Bir oy
Singapur	Yo'q	Ikki hafta	Ikki hafta
Tailand	Ha	Ikki hafta	Ikki hafta
Braziliya	Ha	Bir hafta	Bir hafta
Chili	Ha	Bir oy	Yo'q
Kolumbiya	Ha	Ikki hafta	Ikki kun
Meksika	Ha	28 kun	Yo'q
Peru	Ha	Bir oy	Yo'q
Isroil	Ha	Bir oy	Yo'q
Polsha	Ha	Bir oy	Bir oy
Rossiya	Yo'q	Bir oy	Bir oy
Saudiya Arabistoni	Ha	Bir oy	Ikki hafta
Janubiy Afrika	Ha	Bir oy	15 kun

Markaziy va Sharqiy Yevropa mamlakatlari o'tish davri iqtisodiyotida majburiy zahiralarni normativlari

Mamlakatlar	Zahiralashning maksimal normativi, %	Zahiralarni bo'yicha foizlarning hisoblanishi
Estoniya	13	Ha
Sloveniya	12	Yo'q
Vengriya	11	Yo'q
Rossiya	10	Yo'q
Bolgariya	8	Yo'q
Litva	8	Yo'q
Latviya	7	Yo'q
Slovakiya	6,5	Yo'q
Polsha	5	Yo'q
Chexiya	2	Ha
O'rtacha qiymat	8,3	-



Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси, трлн. сўм.



3-МАВЗУ БЎЙИЧА

4-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ВАЛЮТА СИЁСАТИ


- Валюта сиёсатининг мақсадлари.
- Валюта сиёсатининг моҳияти, ҳуқуқий ва назарий асослари.
- Валюта муносабатлари.
- Миллий валюта тизими.

MILLIY VALYUTA TIZIMINING ELEMENTLARI

- Milliy valyuta tizimining qonunchilik asosida belgilanadigan elementlariga quyidagilar kiradi:
- 1) milliy valyuta va uning nomi;
- 2) milliy valyuta paritetini belgilash;
- 3) milliy valyutaning konvertatsiya shartlari;
- 4) milliy valyuta kursining rejimi;
- 5) xalqaro kredit muomala qurollaridan foydalanishni chegaralash;
- 6) xalqaro zahira aktivlari tarkibiy qismlari o'rtasidagi nisbatni aniqlash;
- 7) mamlakat xalqaro hisob-kitoblarini chegaralash (reglamentatsiya);
- 8) milliy valyuta va olin bozorlari faoliyati rejimi;
- 9) valyuta cheklanishlarining o'rnatilish tartibi;
- 10) valyuta munosabatlari xizmat ko'rsatuvchi va ularni muvofiqlashtiruvchi milliy organlar maqomi.




**SO'MNING BA'ZI XORIJIY VALYUTALARGA NISBATAN REAL
ALMASHINUV KURSI**



2007-2009 yilda erishilgan asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlar (% da)

<i>Asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlar.</i>	2007y.	2008y.	2009y.
Yalpi ichki mahsulotning o'sishi	9,5	9,0	8,1
Sanoat mahsulotining o'sishi	12,1	12,7	9
Iste'mol tovarlari ishlab chiqarish	18,8	17,7	-
Xizmat ko'rsatish hajmi	20,6	21,3	12,9
Qurilish ishlari	15,7	8,3	-
Transport xizmatlari	13,5	10,2	-
Savdo sohasi	21,0	7,2	16,6
Davlat byudjetining bajarilishi	+1,1	+1,5	+0,2
Inflatsiya darajasi	6,8	7,8	7,4
Aholi jon boshiga real daromadlarining o'sishi	27,0	23,0	26,5

**TOVAR VA XIZMATLAR EKSPORTI VA IMPORTING
NISBATI, MLN.DOLL. (2005-08 YY.)**



Монетар сиёсат моделларининг қиёсий таҳлили

Моделнинг хусусиятлари	Сент-Луис модели	Тейлор қондаси	Таклиф юлинаётган ИММнинг рекурсив тизими
Тенгламалар сони	8	1	10
Тури	Келтирилган тенглама	Таркибий тенглама	Таркибий тенгламалар
Асосий мақсади	Иқтисодий барқарорлик	Иқтисодий барқарорлик	Узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш
Хусусиятлари	Пул таклифининг реал ЯИМ, фоиз ставкалари бандликка таъсири ўрганилади	Инфляция ва ишлаб чиқаришнинг прогнозли ва потенциал даражаларидан четланишга қараб фоиз ставкаси ўзгартирилади	Монетар инструментларнинг инфляция, ЯИМ ва унинг таркибий қисмларига таъсирини ақс эттиради
Инструментлар	Фоиз ставкаси	Фоиз ставкаси	Қайта молиялаштириш ставкаси ва мажбурий захиралар нормаси
Баҳорат даври	Узоқ муддатга йўналтирилган	Қисқа муддатга йўналтирилган	Урта муддатга йўналтирилган
Камчилиги	Валюта курси ва ташқи иқтисодий фаолият ҳисобга олинмайди	Пул агрегатлари, валюта курси ва бошқа макропараметрлар ҳисобга олинмайди	Монетар сиёсатнинг очик бозордаги операциялари ва депозит операциялари ҳисобга олинмайди

$$\left(\frac{M}{P}\right)^s = \left(\frac{M}{P}\right)^d = L(i, Y) \quad (1)$$

бу ерда $\left(\frac{M}{P}\right)^s$ - реал пул таклифи, $\left(\frac{M}{P}\right)^d$ - пулга бўлган реал талаб, M - номинал пул таклифи, P - иктисодиётдаги нархлар даражаси, i - мукобил активлар бўйича номинал фоиз ставкаси, Y - иктисодиётдаги ялпи даромадлар ёки ялпи ички маҳсулот.

(1) модел логарифмларда куйидаги кўринишни олади:

$$\ln M - \ln P = \gamma_0 + \gamma_1 \ln Y + \gamma_2 i, \quad (2)$$

Инфляциянинг унча катта бўлмаган суръатларида Фишер тенглиги номинал фоиз ставкасини реал фоиз ставкаси r ва жорий даврда кутиладиган инфляциянинг π^e йиғиндиси сифатида акс эттириш имконини беради:

$$i = r + \pi^e, \quad (3)$$

бу ерда иктисодий субъектлар инфляциянинг ўтган даврдаги қийматига асосланган холда жорий даврда π^e инфляция кутилмаларини белгилайдилар²¹. Инфляциянинг адаптив кутилмалар назариясига асосан, ўтган даврда инфляциянинг ҳақиқатдаги даражаси унинг кутилган даражасидан муайян миқдорга фарк қилади. Жорий даврдаги инфляция кутилмалари эса ана шу фарк миқдорига пропорционал равишда ўзгартирилади:

$$\pi_t^e = \pi_{t-1}^e + \lambda(\Delta p_{t-1} - \pi_{t-1}^e), \lambda \in [0,1] \quad (4)$$

Реал фоиз ставкасини ўзгармас деб ҳисоблаб, шундай хулосага келинадики, пулнинг мукобил даромадлилик даражаси нархлар даражасига уларнинг кутилмалари орқали таъсир кўрсатар экан, бунда кутилмалар нархнинг ўтган даврдаги даражаси билан аниқланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 15-17 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

4. “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПК-1317-сонли Қарори.
5. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – 1 б.
6. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2009 й. N ПК-1046.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори// 06.04.2009 й. ПК-1090-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

9. Марказий банк Бошқарувининг 26.12.2009 й. 38/4-сон "Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида томонидан 20.01.2010 й. 949-5-сон билан рўйхатга олинган
10. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир Йўриқнома [Янги тахрир] Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 27.06.2008 й. 1831-сон билан рўйхатга олинган.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь, №

12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

13. Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Халқ сўзи. №14 (5434) 2012 йил 20 январ.

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

15. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

16. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Т. “Ўзбекистон” 2005. 16-27 б.

17. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.

18. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

19. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

20. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Т. “Ўзбекистон” 2005. 16-27 б.

V. Дарсликлар

21. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.

22. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. - Т.: TDIU, 2010. – 428 bet.

23. Мовсесян А.Г., Огневцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Инфра-М, 2003. – 312 стр.

24. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2003. – 576 стр.

25. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. Учебник.- М.: ЗАО Финансист, Диаграмма, 2002. – 325 стр.

26. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. 272 с.

27. 5. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник. / Под. ред. Л.Н. Красавиной. М.: «Финансы и статистика», 2008. 576 с.

28. 6. Фетисов.Г.Г. Организация деятельности Центрального банка: Учебник. - М. КНОРУС, 2008- 432с.

29. O.Yu.Rashidov, R.R. Tojiev, Do'sqobilov. O'quv qo'llanma. Markaziy bankning monetary siyosati. Toshkent, TDIU, 2010 yil, 192 bet.

VI. Ўқув қўлланмалар

30. Тожиев Р.Р. Халқаро валюта–кредит муносабатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 324 бет.

31. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. -325 стр.

32. Tojiyev R.R. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari. O'quv qo'llanma. -Т.: TDIU. 2009. -310 bet.

33. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 стр.

34. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 576 стр.

VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

35. Ўзбекистон Иқтисодиёти. 2008-2009 й. Таҳлилий шарх.

36. Очик акциядорлик тижорат “АгроБанк” нинг 2009 йил йиллик ҳисоботи.

37. Очик акциядорлик тижорат “АгроБанк”нинг кредитлаш тартиботлари.

VIII. Интернет сайтлари

38. <http://forex.com>

39. <http://cbu.uz>

40. <http://www.thebanker.com>

41. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>

42. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>